

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги**

**Захириддин Муҳаммад Бобур номидаги
Андижон давлат университети**

**Филология факультети
Филология кафедраси**

IV босқич талабаси

**Элмурод Қурбоновнинг
Туркий тиллар генеологияси**

мавзусидаги

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар:

**ф.ф.д.,проф.Ш.Шаҳобиддинова
катта ўқит.Г.Бечелова**

Андижон -2012

“Ҳимояга тавсия этаман” - илмий раҳбар, ф.ф.д., проф
Ш.Ҳ.Шаҳобиддинова,
катта ўқитувчи Г.Бечелова
“ ____ ” июнь 2012 й.

“Ҳимояга рухсат бераман” - кафедра мудири, ф.ф.д., проф
Ш.Ҳ.Шаҳобиддинова
“ ____ ” июнь 2012 й.

“Ҳимояга тавсия этаман” - расмий тақризчи

“ ____ ” июнь 2012 й.

“Ҳимояга тавсия этаман” - факультет декани,
ф.ф.н., доц.
З.Қодиров
“ ____ ” июнь 2012 й.

Мундарижа

Ишнинг умумий тавсифи.....	4
Биринчи боб. Туркий халқлар ва туркий тиллар тарихи.....	6
1.1. Туркий халқларнинг нуфуси.....	6
1.2. Туркий тиллар тарихи ва уни шрганиш методлари.....	11
Иккинчи боб. Туркий тиллар тарихига оид манбалар.....	26
2.1. Умумтуркий манбаларда туркий тиллар тарихининг акс этиши.....	26
2.2. Туркий тилларнинг ўзига хос хусусиятлари.....	35
Хулоса	
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	

ИШНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Мустақиллик даврида Ўзбекистонда яшовчи халқларнинг тарихини ўрганишга алоҳида қизиқиш билан қаралмоқда. Бунда миллатларнинг тенг ҳуқуқлилиги, уларнинг маданияти ва тарихи мамлакатимизнинг маънавий бойлиги эканлиги Президентимизнинг бир қатор асарларида кўрсатиб берилди. XX асрнинг 90-йилларидан бошлаб миллий анъаналарни, миллий маданиятни тиклаш, миллий тил обрў-эътиборини кучайтириш муаммолари кўтарила бошланди.

Ўзбек тили Ўзбекистон Республикасининг давлат тили сифатида тан олинар экан, бу республика ҳудудида бошқа тилларнинг фаолият кўтаришига, ривожланишига, Ўзбекистонда яшовчи барча миллатларва элатларнинг ўз она тилларида алоқа қилишларига монелик қилмаслиги (2-модда), уларнинг тилларида мактаб-маориф ва маданий муассасалар (5-модда), ноширлик, почта-телеграф, нотариал идоралар, телевидение ва радио эшиттиришлар фаолият кўрсатишлари кафолатланган. Бошқа миллат ва элатларнинг тилларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш, бу тилларни ривожлантириш учун шарт-шароит яратиш (4-модда) таъкидланади. Шу билан бирга республикамизда яшовчи барча халқларнинг тилларини илмий ўрганишга ҳам алоҳида эътибор билан қаралмоқда. Қардош тилларнинг туб илдизларини ўрганиш бу борадаги муҳим вазифалардандир.

Туркий тилларнинг келиб чиқишидаги умумий илдизларни ўрганишга доир мавзунинг долзарблиги ҳам кўрсатиб ўтилганлар билан белгиланади.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Туркий тилларнинг келиб чиқиши ва тарихий тараққиётини ўрганиш ишнинг асосий мақсадидир. Бу мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- туркийшунослик асосларини ўрганиш
- туркий тиллар тарихига доир материал тўплаш

Тадқиқотнинг методологик асоси. Тадқиқотнинг методологик асоси бўлиб, диалектиканинг умумийлик-хусусийлик, шакл-мазмун категориялари хизмат қилади.

Тадқиқот манбаи ва объекти - турли илмий асарлар бўлиб улардан йиғилган материаллар тадқиқотнинг асосий объекти бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги.

Туркийшуносликка оид материаллар алоҳида жамланди

Туркий тилларига хос умумийлик очиб берилди

Тадқиқотнинг таркиби. БМИ ишнинг умумий тавсифи, кириш, 2 боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Биринчи боб. Туркий халқлар ва туркий тиллар тарихи

1.1. Туркий халқларнинг нуфуси

Кўпгина манбаларда Ер юзидаги туркий халқларнинг нуфуси турлича кўрсатилади. Жумладан 1993 йилда Тошкентда нашр қилинган «Туркча-ўзбекча-ўзбекча-туркча луғат»нинг Низомиддин Маҳмуд ва Эртуғрул Яман томонидан ёзилган сўзбошисида туркий халқларнинг умумий салмоғи 250 миллиондан ортиқ экани айтилади. Жалолiddин Румий ҳазратларининг асарларидан сараланган «Учмоққа қанот йўқ, вале учгайман» тўпламида ёзилган сўзбошида туркий халқлар сони 300 миллиондан ортиқ экани айтилган.

Туркийлар ер юзидаги энг қадимий халқлардан экани тарихий манбаларда ўз аксини топган. Диний афсоналарга кўра, турклар Нух алайҳиссаломнинг учинчи ўғли Ёфас авлодидан тарқалгани айтиб ўтилган. Бу ҳақда буюк аجدодларимиздан Бурҳониддин Рабғузий «Қисас ул-анбиё», Мирзо Улуғбек «Тарихи арбаъ улус», Алишер Навоий «Тарихи анбиё ва ҳукамо», Абулғози Баҳодирхон «Шажараи турк» ва «Шажараи тарокима» асарларида батафсил тўхталиб ўтганлар.

Бу маълумотлар шунчаки афсона эмаслигини илм-фан ҳам тасдиқламоқда. Олимлар милoddан аввалги учинчи минг йилликнинг бошларида, бундан беш минг йилча муқаддам буюк тўфон — Нух тўфони рўй бергани, Ер юзининг катта қисми сув остида қолиб кетганини илмий асосда исботлаган.

Айрим туркологлар туркийларнинг илк аجدодлари бундан беш минг йилча илгари пайдо бўлган, деган фаразни илгари суришмоқда. Туркий тилдаги илк ёзма манбалар ўн тўққизинчи аср бошларида Мўғулистон ҳудудидан даниялик олим Томсен томонидан топилган Ўрхун-Энасой битиктошлари эканини ҳаммамиз яхши биламиз.

Туркология фанининг асосчиси Маҳмуд Қошғарий ҳам ўзининг машҳур «Девони луғотит-турк» асарида турклар ўша даврда энг кенг тарқалган ва қудратли қавмлардан эканини фахру ифтихор билан қайд этиб ўтган. Ўтмишда яшаб ижод қилган Юсуф Хос Хожиб, Аҳмад Югнакий, Имомиддин Насимий, Лутфий, Алишер Навоий, Бобур, Фузулий, Махтумқули, Абай, Бердак сингари буюк шоирларнинг барчаси ўз асарларини туркий тилда ёзганликларини мамнуният билан қайд этганлар.

Ҳазрат Навоий «Фарҳод ва Ширин» достони хотимасида

Агар бир қавм гар юз, йўқса мингдир,

Муайян турк улуси худ менингдур,

— дея лутф қилганлар.

Тарихий маълумотларга кўра, туркий халқлар ўтмишда шимолдаги Сибир тайгаларидан тортиб, жанубда Африканинг шимолий қисми (Тунис, Марокаш, Миср)га қадар, Шарқда Хитойнинг кунботар қисмидан тортиб, Ҳарбда Европанинг Болқон ярим оролига қадар кенг тарқалган.

Хулласи калом, жуда кўп олимлар бугунги кунда туркийларнинг тахминий салмоғи 300 миллион атрофида деган тўхтамда туришибди. Ушбу рақам бир қарашда жуда катта кўринади. Бу дунё аҳолисининг салкам беш фоизи дегани. Албатта, турли манбаларда бу кўрсаткич ҳар хил ёзилгани турган гап. Камина ҳам, баъзи манбалардан тўпланган маълумотлар асосида туркий халқларнинг тахминий нуфусини ўрганиб, уларнинг сонини ўқиб чиқишга ҳаракат қилдим.

Туркия (Усмонли) турклари — 70 миллион, (50 млн. Туркияда, 20 миллион Европа ва дунёнинг бошқа минтақаларида), озарийлар — 50 миллион, (Озарбойжон, Эрон, Россия, АҚШ ва бошқа мамлакатларда), ўзбеклар 30 миллиондан ортиқ (Ўзбекистонда 21 млн, Тожикистонда 1,5 миллион, Афғонистонда 4 миллионга яқин, Қозоғистонда бир миллион, Қирғизистонда 600 минг, Туркменистонда 300 минг, Саудия Арабистонда 500 минг, шунингдек, Россия, АҚШ, Туркия, Хитой сингари мамлакатларда миллионлаб миллатдошларимиз яшайди), уйғурлар 30 миллион (асосан Хитойда, шунингдек, Ўзбекистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Россия ва бошқа мамлакатларда), туркманлар 10 миллион (4,5 миллиони Туркменистонда, 2 миллиони Эронда, 1 миллионга яқини Ироқда, тахминан шунча Афғонистонда, шунингдек Ўзбекистон, Қозоғистон ва бошқа), қозоқлар 16 миллиондан ортиқ (10 миллиондан ортиғи Қозоғистонда яшайди, 1 миллиондан кўпроғи Ўзбекистонда, шунингдек, Россия, Қирғизистон, Туркменистон, Хитой ва Мўғулистонда), қирғизлар 5 миллион, татарлар (Россиянинг Татаристон республикаси, Марказий Осиё) 5 миллион, бошқирлар 5 миллион, қримтатарлар (Қрим ярим ороли — Украина, Кавказ ва Марказий Осиё) 5 миллион, Олтой турклари (Россиянинг Олтой республикаси ва Олтой ўлкаси) 2,3 миллион, ёкутлар (Россиянинг Ёкутистон — Саха республикаси) 1,2 миллион, чувашлар (Россиянинг Чуваш ёки Чаваш республикаси) 1,1 миллион, қорақалпоқлар 505 минг (450 мингдан ортиғи Ўзбекистонда, шунингдек, Қозоғистон, Туркменистон, Эрон, Афғонистон, Россияда яшайди), хакаслар (Россия — Хакасия) 0,5 миллион, гагаузлар (асосан Молдова республикасининг Гагауз Ери мухториятида яшайдиган насроний турклар) 0,5 миллион Тува турклари (Россия — Тува республикаси) 300 минг, қабардинлар 200 минг, болқорлар 500 минг (Қабардин-Болқор

республикаси — Россия), қорачойлар 300 минг (Карачаево-Черкесск республикаси — Россия), Кипр турклари 300 минг (Асосан Кипр республикаси шимолида), месхети турклари (асосан Грузия, Озарбойжон ва Ўзбекистонда) 500 минг, қарайимлар (Литва республикасида яшовчи яҳудий турклари) 250 минг нафарни ташкил этади.

Юқоридаги рақамлар қўшиб чиқилса, 240 миллиондан ортаркан. Бу энди бизнинг камтарона тажрибамиз, аниқроғи, ҳисоб-китобимиз маҳсули, холос. Юқоридаги рақамлар турли даврларда чоп этилган турли хил манбалардан олинган. Ўтган давр мобайнида бу кўрсаткичлар анча-мунча кўпайгани аниқ.

Шунингдек, кераит, нўкай, салар, сарик уйғур, қорапапоқ, кашқай, халаж, кўмиқ сингари кам сонли элатлар ҳам туркий қавмлар сирасига киради. Бугунги кунда дунёда қирққа яқин туркий халқ ва элатлар истикомат қилаётир. Туркологлар бурят, мўғул, қалмиқ халқларини ҳам шу рўйхатга қўшадилар.

Ҳозир жаҳон харитасида туркий тилли еттита мустақил мамлакат мавжуд. Булар Ўзбекистон, Туркия, Озарбойжон, Қозоғистон, Туркменистон, Қирғизистон ва тан олинмаган Шимолий Кипр Турк республикасидир. Айти пайтда турли давлатлар таркибида йигирмадан зиёд туркий тилли мухтор бошқарув органлари бор.

Бундан ташқари туркийлар дунёдаги жуда кўплаб халқларнинг этногенезида иштирок этгани, катта қисми эса, ўзга халқлар билан аралашиб, бошқа тилларни мажбуран қабул қилгани айтилади. Айрим этнографлар венгер, болгар, албан сингари халқлар ҳам ўтмишнинг турли даврларида туркий қабилалардан вужудга келганини таъкидлайдилар. Баъзи тилшунослар эса, корейс ва япон тиллари Олтой тиллари оиласига мансуб деган фаразни илгари суради. Олтой тиллари оиласининг катта қисмини туркий тиллар ташкил этиши ўз-ўзидан маълум. Ҳатто... Америка қитъасининг туб аҳолиси бўлган ҳиндулар беш минг йилча илгари Беринг бўғози орқали ўтиб, «Янги дунё»ни овруполиклардан анча аввал кашф этган туркийларнинг қадимий аجدодларидан тарқалган, деган фаразлар ҳам илгари сурилмоқда. Чунки, майя, ацтек, инк тилларида жуда кўп туркий сўзлар учрар экан. Тамомила бошқа қитъада, океан ортида, туркийлардан минглаб чақирим олисда яшаган бу қавмлар тилида туркий сўзлар учраши чиндан-да, ажабланарлидир.

Туркий сўзлар дунёнинг жуда кўп халқлари тилларида учрайди. Масалан Туркийдаги «**бер як**» (бериғи ёқ, бериғи томон) бирикмаларидан русча «**берег**» сўзи ясалган.

* * *

Туркийдаги «**бала игез**» (эгиз бола) бирикмаларидан русча «**близнец**» сўзи ясалган.

* * *

Туркийдаги «**бурд**» (мўйлов, мурт) сўзидан русча «**борода**» сўзи ясалган.

* * *

Туркийдаги «**беләзек**» (биларзик, билагузук) сўзидан русча «**браслет**» сўзи ясалган.

* * *

Туркийдаги «**бер атадан**» (бир отадан) бирикмаларидан русча «**брат**» сўзи ясалган.

* * *

Туркийдаги «**берек оек**» (оёқни бириктирувчи) бирикмаларидан русча «**брюк**» сўзи ясалган.

* * *

Қадимги туркий тилда арава ғилдирагининг таглиги маъносида ишлатилган «**турмаз**» сўзи айни пайтда биз ҳам ишлатаётган рус тилидаги «**тормоз**» сўзнинг келиб чиқишига сабаб бўлган.

* * *

Қадимги туркий тилда аралаштирмак, қориштирмак маъноларини ифодаловчи «**жўгурмак**» сўзидан олиниб, суюқ қатиқ маъносини англатадиган «**йўғурт**» сўзи инглиз тили орқали бошқа тилларга «**йогурт**» шаклида тарқалган.

* * *

Қадимги туркийларда сув ёки суюқлик тўлдирилиб, от ва бошқа уловлар эгарига қўшиб боғланадиган чарм идиш «**бақлақ**» дейилган. Ҳозирда биз унинг ўрнига асли туркийдан ўзлашиб, сўнг рус тили орқали қайтиб келган «**баклажка**» сўзини кўп бора ишлатамиз. «Бақлақ» сўзи рус тилига «баклақ» тарзида ўтган, сўнг кичрайтириш қўшимчалари қўшилиб, «баклажка» юзага келган. «Бақалок» сўзининг ўзаги ҳам «бақлақ» билан боғлиқ экан. Одатда ўша пайтдаги меш-идишлар хуппа семиз бўлган экан, шунга семиз одамларни бақлоққа ўхшатиб, «бақалок» дейишган экан.

* * *

Қадимги туркийларнинг «**тамғачи**» (муҳрдор) касби номидан русча «**таможня**» сўзи олинган.

* * *

Қадимги туркийларнинг катта ҳарбий бўлинмаси «**бўлук**» дейилган. Бу сўз туркий тилдан рус тилига, рус тилидан яна ўзимизга қайтиб «**полк**» кўринишини олди.

* * *

Қадимги туркийдаги «**бағаш**» («боғланган») сўзидан русча «**багаж**» сўзи ясалган.

* * *

Қадимги туркийдаги «**кора тош**» бирикмасидан русча «**карандаш**» сўзи ясалган.

* * *

Асли араб тилидаги «**дор ас-сино**» (устахона) сўзидан олиниб, туркий тилдаги курол-яроғ устахонаси маъносини англатувчи «**тарсана**» сўзи орқали русча «**арсенал**» сўзи ясалган.

* * *

Туркий тилдаги «**билбес**» (билмас) сўзидан русча «**балбес**» сўзи келиб чиққан.

* * *

Форсийча «**банд**» ва туркий «**эт**» сўзларидан, яъни, «**банд эт**» (қама) бирикмасидан русча «**бандит**» сўзи ясалган.

1.2.Туркий тиллар тарихи ва уни ўрганиш методлари

Ҳар қандай фан амалий билиш устига қўйилган назарий билимга асосланади. Билиш эса фалсафа фанининг асоси саналади. Назарий фалсафа асосчиси И.Кант унинг ўрганиш предмети нарсалар (табиат ва жамият) эмас, балки инсоннинг билиш фаолиятини илмий текширишдан, инсон ақлий фаолиятини аниқлашдан иборат эканлигини таъкидлаган эди.

Фалсафа инсоннинг ўз моҳиятини англаши, борлиқнинг турли соҳаларига оид бўлган ҳодиса ва воқеалар ҳақида, уларнинг туб моҳиятини ифодаладиган умумий хулосалар чиқариши демакдир. Фалсафий тафаккур оламидаги нарса ва ҳодисаларни фикрда умумлаштириб, ўзаро боғлиқликда ва ривожланишда ўрганиш, уларнинг моҳиятини чуқурроқ ва тўлароқ билишдир. Фалсафа марказида борлиқ ва уни билиш муаммоси ётади.

И.Кантнинг таъкидлашича, бизнинг онгимиздан ташқарида, унга боғлиқ бўлмаган ҳолда «нарсалар олами» мавжуд. Бундай нарсаларни у «наrsa ўзида» деб номлайди. Билиш ана шу «наrsa ўзида»нинг сезги органларимизга таъсири натижасида ҳосил бўлади. Унинг фикрича, сезги органларимизга таъсир қиладиган «наrsa ўзида»нинг сир-асрорларини билиш мумкин эмас.

Гегелнинг фикрича, дастлаб олам ва тафаккур айнияти бўлган ва бу айният дунёнинг субстанционал (зотий) асосини ташкил этган. Тафаккур фақат субъектив инсон фаолиятигина эмас, балки объектив моҳият, барча мавжудотнинг бирламчи манбаи бўлган. Тафаккур модда, табиат ҳолида ўзини «бегоналаштиради». «Абсолют ғоя»нинг олий тараққиёт босқичи «абсолют руҳ», яъни инсоният, инсоният тарихи саналади.

Гегель тарихий жараённинг диалектик характери́ни тадқиқ қилар экан, тил тараққиётига алоҳида аҳамият беради. У тилни назарий ақлнинг яратувчиси ҳисоблайди, чунки тил унинг ташқи ифодаси саналади.

Инсоннинг сезги органлари ёрдамида ҳосил бўлган билими ҳиссий ёки амалий билиш саналади. Булардан ташқари, инсон хаёл суриш, нутқ ёрдамида ҳам билимга эга бўлиши мумкин. Билишнинг бу йўли қувваи нотиқа ва қувваи мутаҳаййила дейилади. Нотиқа қуввати бошқа барча қувватларнинг (сезгиларнинг) етакчисидир.

Ҳиссий билим билиш жараёнининг марказий нуқтаси саналса ҳам, лекин у кўпинча алдаб қўйиши мумкин. Масалан, Қуёш ер атрофида айланаётгандай кўринади, аслида эса аксинча.

Шунинг учун бизнинг аجدодларимиз ҳиссий билиш билан идрокий билишни ажратганлар. Идрокий билиш ҳиссий билимларни солиштириш, қиёслаш, умумлаштириш, ҳиссий билимларнинг ҳосил бўлишига асос бўлган оразлар (акциденциялар) замирида яширинган моҳиятни – жавҳарни аниқлаш орқали ҳосил қилинади. Масалан, танада иситманинг кўтарилишини аниқлаш ҳиссий билим саналади. Лекин ҳар қандай ҳарорат ўз-ўзидан кўтарилмайди. Унинг маълум ички сабаблари бор. Ана шу сабабни аниқлаш иситмага ўхшаш, у билан боғлиқ бўлган бир қанча ҳиссий билимларни солиштириш, қиёслаш, умумлаштириш орқали амалга оширилади ва иситма ниманинг аломати эканлиги аниқланади.

Солиштириш, қиёслаш, мантикий умумлаштириш орқали ҳосил қилинган билим идрокий, назарий билим саналади. Бу билим орқали оразлар замиридаги жавҳар белгиланади. Ҳар қандай фан ана шу белгиларни келтириб чиқаради.

Бундан кўринадики, ҳиссий (фахмий) билим тажриба, амалиёт бевосита кузатиш босқичи саналиб, ҳақиқий назарий (идрокий) билим амалий билимларнинг ўзаро муносабатини ўрганиш, умумлаштириш орқали ҳосил қилинади ва бу билимга эга бўлиш ҳар қандай фаннинг бош мақсадидир. Билишнинг бу икки босқичи ҳозирги даврдан барча фан вакиллари томонидан эътироф қилинади.

Ҳар бир фан кишиларининг амалий эҳтиёжи туфайли вужудга келади. Буюк аجدодимиз Абу Райҳон Беруний ҳам «Геодезия» асарининг кириш қисмида ҳар бир фаннинг инсон ҳаётидаги зарурий эҳтиёжлар талаби билан вужудга келишини таъкидлаб ўтади.

Фанларнинг келиб чиқиши ҳақида илк маълумот Абу Наср Форобий томонидан берилади. Унинг фикрича, ҳар бир фан жавҳар (субстанция) ва ораз (акциденция)ларни ўрганиш асосида келиб чиқади. Хусусан, сонлар тўғрисидаги илмнинг пайдо бўлиши ҳақида қуйидагиларни ёзади: «...бирликлардан вужудга келувчи саноксиз ва жуда кўп миқдорни ташкил қилувчи сон субстанциянинг турли бирликларидан иборатлиги натижасидан келиб чиққандир. Субстанция ўз табиати жиҳатидан чексиз бўлақларга ажралиб кета олишлиги сабабли, сон ҳам ўз табиати жиҳатидан чексиздир. Сон тўғрисидаги илм – бу субстанция бўлақларини бир-бирига кўпайтириш, бирини иккинчисига бўлиш, бирини иккинчисига қўшиш, бирини иккинчисидан айириш, агарда бу бўлақларнинг негизи бўлса, негизини топишга ва уларнинг мувозанатини аниқлашга қаратилган илмдир. Соннинг қандай келиб чиққанлиги, унинг вужудга келиши ва кўпайиши, уни мустақил мавжудлик даражасига олиб келган, имкониятдан воқеликка ҳамда йўқликдан борликка айлантирган сабаб нимадан иборат эканлиги юқорида айтилганлардан аниқ кўриниб турибди. Бу илмни юнон донишмандлари арифметика деб айтайдилар».

Субстанциянинг кўп бўлакларга ажрала бошлаши ва улардан ҳар бирининг маълум фигураларга (учбурчак, тўртбурчак ва х.к.) эга бўлиши ва фигураларни ўрганадиган илмга эҳтиёж туғдирди. Ана шу эҳтиёж туфайли геометрия фани вужудга келди. Субстанциянинг ҳаракатчанлиги таъкидланиши билан бирга, осмон ҳаракатини ўрганувчи илм вужудга келганлигини айтади. Бу илм олдинги икки илм: арифметика ва геометрияга асосланиши, бу илмларсиз мавжуд бўлмаслиги таъкидланади ва бу илмнинг номи астрономия эканлигини ёзади.

Субстанция ҳаракатдан ташқари, овозга ҳам эга бўлиши ва бу белгини ўрганувчи мусиқа фани вужудга келганлигини айтади.

Субстанция қизариш-оқариш, узайиш-торайиш, кўпайиш-камайиш, туғилиш-ўлиш, касалланиш-соғайиш каби белгиларга ҳам эга бўлади.

Субстанциянинг бундай ўзгаришларини ўрганишга эҳтиёж туфайли табиат тўғрисидаги фан пайдо бўлганлигини баён қилади.

Булардан сўнг илоҳиёт илмининг, ундан кейин тил ҳақидаги илм ва грамматиканинг қандай амалий эҳтиёж билан вужудга келганини асосли далиллар билан кўрсатиб беради. Илоҳиёт илми ҳақида фикр юритар экан, «бу илмнинг табиатдан юқори турган илм – метафизика илми» эканлиги ва у барча илмларнинг якуни ва охири эканлиги ва ундан сўнг бирор нарсани текширишга зарурат қолмаслиги айтилади.

Кўринадики, барча фанлар объектив борлиқдаги жавҳар ва унинг оразларини ўрганиш асосида вужудга келганлиги таъкидланади ва тил ҳақидаги илм билан грамматика фанлар ичида алоҳида ўрин тутиши кўрсатилади.

Бу фикрлар бундан минг йиллар олдин баён қилинган бўлса ҳам, лекун ханузгача ўз қимматини йўқотгани йўқ.

Ҳар қандай фан амалий билиш устига қўйилган назарий билимга асосланади. Билиш эса фалсафа фанининг асоси саналади. Назарий фалсафа асосчиси И.Кант унинг ўрганиш предмети нарсалар (табиат ва жамият) эмас, балки инсоннинг билиш фаолиятини илмий текширишдан, инсон ақлий фаолиятини аниқлашдан иборат эканлигини таъкидлаган эди.

Фалсафа инсоннинг ўз моҳиятини англаши, борлиқнинг турли соҳаларига оид бўлган ҳодиса ва воқеалар ҳақида, уларнинг туб моҳиятини ифодаладиган умумий хулосалар чиқариши демакдир. Фалсафий тафаккур оламидаги нарса ва ҳодисаларни фикрда умумлаштириб, ўзаро боғлиқликда ва ривожланишда ўрганиш, уларнинг моҳиятини чуқурроқ ва тўлароқ билишдир. Фалсафа марказида борлиқ ва уни билиш муаммоси ётади.

И.Кантнинг таъкидлашича, бизнинг онгимиздан ташқарида, унга боғлиқ бўлмаган ҳолда «нарсалар олами» мавжуд. Бундай нарсаларни у «нарса ўзида» деб номлайди. Билиш ана шу

«нарсa ўзида»нинг сезги органларимизга таъсири натижасида ҳосил бўлади. Унинг фикрича, сезги органларимизга таъсир қиладиган «нарсa ўзида»нинг сир-асрорларини билиш мумкин эмас.

Гегелнинг фикрича, дастлаб олам ва тафаккур айнияти бўлган ва бу айният дунёнинг субстанционал (зотий) асосини ташкил этган. Тафаккур фақат субъектив инсон фаолиятигина эмас, балки объектив моҳият, барча мавжудотнинг бирламчи манбаи бўлган. Тафаккур модда, табиат ҳолида ўзини «бегоналаштиради». «Абсолют ғоя»нинг олий тараққиёт босқичи «абсолют рух», яъни инсоният, инсоният тарихи саналади.

Гегель тарихий жараённинг диалектик характерини тадқиқ қилар экан, тил тараққиётига алоҳида аҳамият беради. У тилни назарий ақлнинг яратувчиси ҳисоблайди, чунки тил унинг ташқи ифодаси саналади.

Тилни ўрганиш методологияси ва методлари

Объектни билиш жараёнида тадқиқотчи унга муайян методология ва текшириш методи асосида ёндашади. Ўрганилаётган объектни қай даражада объектив изоҳлаш тадқиқотчининг қандай методология в тадқиқот методига таянишига боғлиқ. Шунинг учун ҳар қандай фанда методология ва метод таянч нуқта бўлиб хизмат қилади.

Метод юнонча *methodos* сўзидан олинган бўлиб, тадқиқот усули демакдир. **Методология** эса юнонча *methodos* “тадқиқот усули” ва *logos* “таълимот” сўзларидан олинган бўлиб, фаннинг тадқиқот усуллари ҳақида таълимотдир.

Методология умуман илмий метод ҳақидаги таълимот ҳамда хусусий фанлар методлари ҳақидаги таълимот, яъни билиш фаолияти йўллари ҳақидаги таълимот сифатида ҳар қандай фан назарияси ва амалиётида катта аҳамиятга эга.¹

Кўринадики, методология ва метод тушунчалари ўзаро узвий боғлиқдир. Хусусий фан методлари билан умумий илмий метод бир-бири билан муносабатдадир.

Билиш усуллари умумий ва хусусий бўлади. Шунинг учун у фалсафий метод, яъни умуман билиш усули ҳақидаги метод ва умумилмий методларга бўлинади. Биринчи ҳолатда методология у ёки бу фалсафий системага хос билиш методи тамойилларига мувофиқлиги сифатида тушунилса, иккинчи ҳолатда эса методология у ёки бу фан тармоғига хос тадқиқот методлари ҳақидаги таълимот сифатида тушунилади.

Фан методологияси билишнинг фалсафий методининг муайян фан доирасида ўрганилаётган объект хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда конкрет қўлланилишидир.

Фалсафий метод, яъни билиш методи табиат, жамият ва тафаккурнинг умумий қонуниятлари ҳақидаги таълимот саналади.

¹ Шермухаммедова Н. Фалсафа ва фан методологияси. Тошкент, 2005, 211-бет.

Умумметодологик тамойиллар турли фанлар берган маълумотларни умулаштириш асосида вужудга келади.

Ҳар қандай фан махсус тадқиқот методларини ишлаб чиқади. Бу илмий тадқиқот методлари фалсафий ва мантикий методлар билан умумилмий методлар орқали мувофиқлашади.

Хусусан, тилшуносликда қўлланиладиган методлар математика ёки физикада қўлланиладиган методлардан фарқ қилади. Физикада асбоблар ёрдамидаги эксперимент методи устиворлик қилса, тилшунос матн таҳлили ва уни умумлаштириш усулидан кўпроқ фойдаланади.

Тилшуносликда тавсифий, қиёсий-тарихий, структур сингари методлар қўлланилади ва улардан қайси бирининг устувор методга айланишига кўра тилшунослик тарихи ҳам турли босқичларга бўлинади.

Метод атамаси билан методика атамаси кўп ҳолларда синоним сифатида ишлатилади. Лекин метод ва методика бир-биридан фарқ қилади. Метод билиш усули бўлса, методика билиш усулида қўлланиладиган йўл-йўриқдир.

Тавсифий метод тилшуносликда энг қадимий ва энг кенг тарқалган метод ҳисобланади. Айниқса бу метод тил ўқитиш тажрибаси учун катта аҳамиятга эга.

Тавсифий методнинг ўзига хос жиҳати шундан иборатки, у объектни бевосита сезги аъзолари берган маълумотга асосланиб ўрганади. Хусусан, тилшуносликда ўрганиш объекти матн ҳисобланади. Матндан гаплар, гаплардан сўзлар, сўзлардан морфемалар, морфемалардан товушлар ажратилади ва улар муайян гуруҳларга бирлаштирилган ҳолда тавсифланади.

Тавсифий метод маълумотлари бошқа барча методлар учун таянч нукта бўлиб хизмат қилади. Хусусан, структур метод тавсифий метод хулосаларига таянган ҳолда иш кўради. Ёки қиёсий-тарихий метод учун ҳам қиёсланаётган объект ҳақидаги изохни тавсифий метод беради. Демак, у ҳам тавсифий метод хулосалари асосида иш кўради.

Оламни билишда ўрганилаётган объектни қиёслаш катта роль ўйнайди. Олдин ўрганилган объектни янги ўрганилаётган объектга қиёслаш билишнинг энг асосий усулларида биридир. Қиёслаш натижасида қиёсланаётган объектларнинг умумий ва ўзига хос жиҳатлари аниқланади. Бундай усул тилшуносликда ҳам қардош ва қардош бўлмаган тилларнинг умумий ва ўзига хос жиҳатларини ёритишда кенг қўлланилади. Шунинг учун ҳам қиёслаш умумилмий тафаккур жараёни сифатида лингвистик таҳлилнинг барча методларида учрайди.

Лекин лингвистик тадқиқот методикасида бир тилнинг ички тузилиши бўйича қиёслаш ва тиллараро қиёслаш жиддий фарқланади. Бир тилнинг ички тузилиши бўйича қиёслаш шу тилнинг турли грамматик ҳодисалари ва категорияларини ўз ичига олади. Масалан, сифат билан равиш қиёсланади ва уларнинг умумий ҳамда ўзига хос жиҳатлари аниқланади.

Тиллараро қиёслашда турли тиллар бир-бирига таққосланади.

Тиллараро қиёслаш, бир томондан қардош тилларни, иккинчи томондан, ноқардош тилларни ўрганиш ва ўқитиш тажрибаси таъсирида майдонга келди.

Тиллараро қиёслаш ўзига хос тадқиқот усуллари системасига эга. У икки хил тилшунослик методини вужудга келтирди. Биринчиси қардош тилларни қиёслаш, иккинчиси эса ноқардош тилларни қиёслаш.

Биринчи типдаги қиёслаш қардош тиллардан биттасини бошқасига қиёслаш йўли билан уларнинг тарихий тараққиёти, улар ўртасидаги фарқланиш жараёни очиб берилади. Бундай қиёслаш қиёсий-тарихий метод асосида олиб борилади. Бу метод тилларнинг генетик умумийлигига асосланади. Бу метод бизнинг ишимизда етакчи бўлиб ҳисобланади.

Дунёдаги бурча тиллар энг асосий, энг муҳим белгилари назарда тутилган ҳолда бир неча гуруҳларга бўлинади. Тилшуносликка оид адабиётларда маълумот берилишича, ер юзида уч мингдан ортиқроқ тил бор. Бу тилларнинг шевалари ҳам ҳисобга олинганда уларнинг сони беш мингдан ортади. Тилшунослар тилларни таснифлашда икки усулдан фойдаланадилар: морфологик усул ва генеологик усул. Тилларни морфологик усул асосида тасниф қилишда сўзларнинг тузилиши энг асосий белги қилиб олинади. Шу асосда тиллар иккига бўлинади: қўшимчали тиллар ва қўшимчасиз тиллар. Қўшимчали тиллар яна икки гуруҳга бўлинади: агглютинатив тиллар ва флектив тиллар.

Генеологик тасниф тилларнинг бир манбадан келиб чиқишини, қайси тиллар бир-бири билан қардош эканлигини, шу билан бирга, сўзларни, қўшимчаларни ва бошқа грамматик хусусиятларни назарда тутиб тилларни айрим гуруҳларга ажратади. Генеологик таснифда гуруҳларга ажратилган тилларнинг келиб чиқиши, сўзларнинг пайдо бўлиши, улардаги товушлар ва аффикслар ўхшашлиги ҳисобга олинади. Грамматик тузилиши ва бошқа хусусиятлари билан бир-бирларига яқин бўлган тиллар гуруҳи, тил оиласи деб аталади.

Ҳозирги вақтда тарихи ўрганилиб, бир-бири билан қардош эканлиги аниқланган тил оилаларидан бири туркий тиллар оиласидир. Ҳозирда туркий тиллар оиласига йигирмадан ортиқ тиллар киради: қирғиз, қозоқ, турк (усмонли турк), туркман, ўзбек, уйғур, татар, чуваш, озарбайжон, ёқут, қорақалпоқ, тува, балқар... Бу тиллар келиб чиқишининг умумийлиги, фонетик, лексик-семантик, грамматик хусусиятларининг умумийлиги билан характерланади. Туркий тиллар оиласига мансуб тиллар учун асос бўлган тил қадимги туркий тилдир.

Тилшунослик фани – лингвистика ҳозирги даражага еткунгача узоқ тарихий ривожланиш йўлини босиб ўтди. Тилнинг хусусиятлари, унинг тарихий тараққиёти, сўзларнинг қандай пайдо бўлганлиги, умуман, тилшунослик масалалари файласуфларни жуда қадимдан қизиқтириб келган. Бинобарин, тилшунослик фанининг ривожланишида ўтмишда яшаган ва ижод этган жуда кўп

мутафаккирларнинг иштироки бор. Уларнинг фаолияти туфайли фанга қўшилган илмий меросни эътибор билан ўрганиш лозим. Бунинг камида икки аҳамияти бор. Биринчидан, шу фаннинг ҳозирги ҳолати унинг ўтмишдаги ривожланиш босқичлари билан боғланиб ўрганилгандагина у ёки бу назариянинг моҳиятини тўла тушуниш мумкин. Иккинчидан, фан тарихини билиш турли олимлар томонидан илгари сурилган назария ва фикрларни тўғри баҳолаб йўл қўйилиши эҳтимол бўлган хатоларни такрорланмаслик учун ёрдам беради.

Тил ҳақидаги фан – тилшунослик Европада XIX асрнинг бошларидан бошлаб мустақил фан сифатида тан олинди. Аммо одамларнинг тил структураси билан қизиқишлари анча илгари бошланган. Қадимги даврларда тилга оид масалалар, одатда, бошқа масалалар билан: фалсафа, муסיқа, эски ёдномаларни ўқиш, ҳатто табиий фанлар билан бирга қўшилиб кетган эди. Аجدодларимиз бундан бир неча минг йиллар олдин ёзув маданиятига эга бўлганлар. Юртимиздан дунё фани ва маданиятига улкан ҳисса қўшган буюк алломалар етишиб чиққан. VIII-IX асрлардаёқ фанлар академияси “Байтул ҳикмат”, кейинчалик 1010 йилда Маъмун академияси ташкил топган. Бу ерларда дунё олимларини лол қолдирган кашфиётлар қилинган. Ал Беруний, ал Хоразмий, Ибн Сино, ал Фарғоний каби олимлар мана шу академияларда фаолият юритганлар.

Соҳибқирон Амур Темур даврида фан ва маданият ривожланди. Мирзо Улуғбек расадхонасида оламшумул кашфиётлар қилинди. Хусайн Бойқаро саройида ҳам илм-фан ривожини учун шарт-шароитлар яратилди. Ана шундай бой маданий меросга эга бўлган рус босқини даврида ўз тарихидан узилиб қолди. Айниқса, асрлар давомида фойдаланиб келинган ёзувдан кирилл алифбосига ўтказилиши халқимизни аجدодлари қолдирган ёзма ёдгорликлардан бебаҳра қилиб қўйди.

Нихоят истиқлол туфайли ўтмиш маданиятимизга, бой маданий меросимизга ҳолис баҳо бериш имкониятига эга бўлдик. Шу вақига қадар юртимиздан етишиб чиққан тилшунос олимларнинг илмий мероси етарли баҳоланмади. Тилшуносликнинг назарий масалалари Европа олимлари номлари билан боғлаб ўрганилди.

Маҳмуд ибн ул Хусайн ибн Кошғарий туркий халқлар орасида етишиб чиққан биринчи комусий турколог олим, унинг туғилган ва вафот этган йили номаълум, таржимаи ҳолига оид бевосита тарихий манбалар йўқ. Ҳозирга қадар тадқиқотчилар унинг ҳаёти хусусияда “Девону луғотит-турк” асари асосида ва қорахонийлар даври тарихига оид бошқа манбаларга суяниб қуйидаги тахминларни баён қиладилар. Маҳмуд Кошғарий 1029-1038 йиллар орасида Кошғарда туғилган. Унинг қорахонийлар сулоласига мансуб бўлиши Кошғарда яхши маълумот олишга имкон берган. Буни Маҳмуд Кошғарийнинг боболари ҳақида айтган гаплари ҳам тасдиқлайди. Маҳмуд Кошғарийнинг ёзишича, унинг боболари турк шаҳарларини сомонийлардан тортиб олган, қорахонийлар сулоласига асос солган.

Маҳмуд Кошғарий Бухоро, Нишопур, Самарқанд, Марв, Боғдод каби шаҳарларда таҳсил кўради, араб тилини, араб филологияси сирларини пухта ўрганади. Лекин у умрини туркий халқлар ва уларнинг тилини тадқиқ этишга бағишлайди.

М.Кошғарий кўп йиллар давомида тўплаган бу материаллар асосида “Девону луғоти-турк” (“Туркий сўзлар девони”) номли уч жилдлик асар ёзади. Бундан ташқари, унинг яна бир асар ёзгани маълум. М.Кошғарийнинг ҳали топилмаган “Китоби жавоҳир ан-наҳв фи-л-луғат ат-турк” номли иккинчи асарида туркий тиллар синтаксиси устида баҳс юритилади.

Муаллиф “Девон”да сўзларнинг турли маънолари ва маъно нозикликларини изоҳлаш билан бирга, турли қabila тиллари ўртасида бўлган характерли фонетик ва морфологик фарқларни ҳам кўрасатиб ўтади. Бу жиҳатдан девон фақат изоҳли луғатгина бўлиб қолмай, XI аср тилининг фонетика ва грамматикаси ҳамдир. Шунингдек, девон XI аср Ўрта Осиёда мавжуд бўлган туркий қабилалар ва уларнинг тил хусусиятларини ўрганишда ва ҳозирги айрим туркий халқларнинг шаклланиши ва тараққиётини белгилашда муҳим рол ўйнайди. Айниқса, девон XI асрдаги ҳамда ундан аввалги ва кейинги даврдаги ёзма ёдгорликларни тушуниш ва ўрганишда қимматли манбадир.

Мазкур асар ўз даври учун катта воқеа бўлгани каби, туркология фани соҳасида ҳам илк намунадир. Маҳмуд Кошғарий туркология фанининг биринчи устоди бўлди, туркологиянинг махсус фан сифатида ривожланишига асос солди.

М.Кошғарийнинг “Девону-луғотит-турк” асари икки қисмдан иборат: 1) к и р и ш; 2) л у ғ а т.

Кириш қисмида туркий тилларнинг мавқеи, луғатнинг олдига қўйилган вазифалар, асарнинг мундарижаси, туркий тилларда сўз тузилиши ва ясалиши, туркий қабилалар ва улар тилларининг ўзига хос хусусиятлари, тилда ва лаҳжаларда бўлган сўзлар ҳақида фикр юритилади.

Асарнинг луғат қисми саккиз бўлимдан иборат:

- 1) ҳамзали сўзлар (бошида алиф, вов, йой ҳарфлари келадиган сўзлар) бўлими;
- 2) солим (таркибида алиф, вов, йой ҳарфлари келмайдиган сўзлар) бўлим;
- 3) музоаф (таркибида бир ҳарфи икки марта келадиган-такрорланган сўзлар) бўлими;
- 4) мисол (бошида, ўртасида ёки охирида алиф, вов, йой ҳарфларидан бири келган сўзлар) бўлими;
- 5) уч ҳарфли сўзлар бўлими;
- 6) тўрт ҳарфли сўзлар бўлим;
- 7) ғунналар (таркибида бурун товушлари келадиган сўзлар) бўлими;
- 8) таркибида икки ундош қатор келган сўзлар бўлими.

Луғатнинг шу тартибда тузилиши араб лексикографияси анъаналарига мос эди. Муаллиф луғат тузишда машҳур араб тилшуноси Ҳалил ибн-Аҳмаднинг “Китоб-ул-айн” луғатига асосланганини алоҳида таъкидлайди.

Маҳмуд Кошғарий туркий тиллар қурилишини тасвирлашда қиёсий методдан фойдаланиб, тилшуносликда қиёсий-тарихий методнинг асосчиларидан бири бўлди. У туркий тилларнинг лексикасини, морфологиясини ва фонетикасини бир-бирига қиёслаб, улар орасидаги ўхшаш ва фарқли томонларни кўрсатди. Бу фактларни изоҳлашга тарихий аспектда ёндошди.

Луғатда туркий тиллар лексикасига мансуб 7500 сўз изоҳланган. Ўша даврдаги таомилга кўра, туркий сўзларга арабча изоҳ берилади. Шунинг учун ҳам М.Кошғарий **“Тушунилиши осон бўлсин учун асарда арабча истилоҳ (термин)лар қўлладим”**, -дейди.

Маҳмуд Кошғарий тил фактлари асосида қабилаларнинг бир-бирига бўлган муносабатларини кўрсатди ва ўша даврдаги иқтисодий, ижтимоий шароитлар асосида қабилаларнинг бир-бирлари билан бирика бошлаши натижасида юзага келган халқ тилининг илк даври материалларидан намуналар келтирди. У ўзбеклар, қozoқлар, қирғизлар, туркманлар, уйғурлар, татарлар бошқа халқларнинг қадимги қабилаларини ва уларнинг қадимги содда тилларидаги сўзларнинг қайси халқ ва қabila тилига оид эканлигини изоҳлади. Шу нуқтаи назардан луғатдаги сўзларни бир неча гуруҳга ажратиш мумкин.

Ҳамма туркий тилларда қўлланадиган сўзлар: *иш, эш, йўл, бош, бой* қабилар. Бу сўзлар фонетик вариантлари билан фарқланса-да, бир хил шакл ва маънода ишлатилади. Бир хил шакл ва маънода бир неча туркий тилларда қўлланиладиган сўзлар: бол (сувор ва қипчоқ тилида асл маъносида), сузғак (арғу ва қипчоқ тилида чўмич маъносида) қабилар.

Муайян халқ, қabila тилига оид сўзлар: гəжак-қокил (арғу тилида), ўтунч-қарз (ўғуз тилида), қарақламоқ-ўғирламоқ, таламоқ (яғмо тилида), тунак-қамоқхона, зиндон (барсағон тилида), суғут-сузма (қарлуқ тилида) қабилар.

Бу ҳақда Маҳмуд Кошғарий шундай ёзади: **“Мен турклар, туркманлар ўғузлар, чигиллар, яғмолар, қирғизларнинг шаҳарларини, қишлоқ ва яйловларини кўп йиллар кезиб чиқдим, луғатларини тўпладим, турли хил сўз хусусиятларини ўрганиб, аниқлаб чиқдим. Мен бу ишларни тил билмаганим учун эмас, балки бу тиллардаги ҳар бир кичик фарқларни ҳам аниқлаш учун қилдим. Уларни ҳар томонлама пухта бир асосда тартибга солдим”**.(ДЛТ. I.44)

М.Кошғарий ўзлашма сўзларга икки хил муносабатда бўлади: 1) Кундалик турмушда қўлланадиган турли хил нарсалар борки, улар ҳаётга сингиб кетган. Уларни номловчи сўз тилда бўлмаса, шундай сўзни қўшни тилдан олиш мумкин. 2) Тилда мавжуд сўзлар ўрнида бошқа тил

сўзини қўллаш зарарли деб ҳисоблайди. Бу фикрга асосланганимизга билге, *битиг, урагут* каби туркий сўзлар ўрнида арабча *олим, китоб, аёл* каби сўзларни қабул қилмаслигимиз керак.

Маҳмуд Кошғарий ўзлаштира сўзларни ҳам эътибордан четда қолдирмади. Масалан, қарит (ўғирлаш, талаш) сўзини у туркман тилига араб тилидан ўзлашган деб тахмин қилади. Шу билан бирга, М.Кошғарий туркий тиллардан бошқа тилларга ўзлашган сўзларга ҳам тўхталиб ўтади. “Пахтали тўн” маъносидаги *ёлма* сўзи ҳақида у шундай деб ёзади: **“Форслар бунни туркий халқлардан олиб ялма шаклида талаффуз қиладилар. Араблар форслардан олиб ёлмоқ шаклида қўллайдилар. Ҳеч ким бу сўзни турклар форслардан олган деб даъво қила олмайди. Чунки мен бу сўзни энг қирғоқ чегараларда яшовчи оддий турк халқларидан ҳам эшитганман. Булар бошқа халқлардан кўра, бу хил ёмғир елпиғичига муҳтожроқдирлар. Чунки буларнинг юртида қор, ёмғир кўпдир”** (ДЛТ. III, 41-42).

Маҳмуд Кошғарий сўзларни уч туркумга ажратади: исмлар, феъллар ва ҳарфлар, ёрдамчи сўзлар ва қўшимчаларни у ҳарф термини билан атади.

М.Кошғарийнинг XI аср фонетикасига берган изоҳлари туркий тиллар фонетикаси учун қимматлидир. Бироқ у ўз асарида фонетикани махсус бўлим сифатида изоҳламаган. Чунки асар тузилиши уни талаб қилмаган. Лекин М.Кошғарий зарур ўринларда у давр тили фонетикаси кенг изоҳланган

У “Девон”да фонетик қонунларнинг товуш алмашинуви, товуш тушиши, товуш орттирилиши каби кўринишларини батафсил изоҳлади. Айниқса, у ҳар бир товуш устида махсус текшириш олиб борди ва тилда бўлган ҳар бир товушни тўла илмий асосда ўрганди. Товушларнинг комбинация натижасидаги мавқеларини, физиологик ва акустик ҳолатларини аниқлаб чиқди. Товуш ва ҳарф муносабатларини илк марта у аниқлади ва у давр ёзувида мавжуд ҳарфлар жонли тил товушларини ифодалашдан ожиз эканлигини очиқ берди ва биринчи марта ёзувдаги ана шу камчиликни тўлдириш учун бир қанча янги белгилар тайинлади. У шундай ёзади: **“Туркий тиллар ёзувда қўлланувчи ҳарфлар ўн саккизтадир. Ҳолбуки, тилдаги товушлар ўн саккизга эмас, кўпдир. Бу ўн саккиз ҳарф етишмайди. Булардан бошқа тилда бўлган товушларни бериш учун яна етти ҳарф керак. Лекин у ҳарфлар йўқ. У етти товушни ана шу мавжуд ҳарфлар устига махсус белги қўйиб ёзилади”** (ДЛТ, I т., 7-8-бет).

Маллиф ўз асарида унлилар тизими, унлиларда кенглик ва торлик, чўзиқлик ва қисқалик, унлилар масаласида қабилалар тилига хос хусусиятлар ва уларда тенг келиш ҳодисаси каби атрофлича ёритилган. Масалан. *«Ёғоч сўзини кенг унли билан ҳам, тор унли билан ҳам қўллаш мумкин»* (I т., 76-бет) *Аран – эрлар, Аран (чўзиқ билан) – отхона* (I т., 73-бет). *Қуруғ ҳам мумкин, қуриғ ҳам мумкин* . (I т., 18-бет)

Асарда ундошлар системаси, содда ундошлар, комбинатор ундошлар, ундошларда жаранглиниш ва жарангсизлик хусусияти, икки ундошнинг қатор келиши, ундошларнинг артикуляция асосидаги ҳолатлари, айрим қўшни тиллардан кирган ундошлар кенг изоҳлаб берилган. *“Туркий тиллар сўзларидаги товушларда торлик, кенглик, қаттиқлик, юмшоқлик, икки ундошнинг қатор келиш ҳолатлари бор. (1 т., 10-бет)*

Маҳмуд Кошғарий товушлар гармонияси масаласига алоҳида эътибор берар экан, шу жиҳатдан сўзларни икки гуруҳга ажратади: қаттиқ сўзлар ва юмшоқ сўзлар, қаттиқ сўзлар тил орқа товушларидан таркиб топса, юмшоқ сўзлар тил олди товушлардан таркиб топган. Сўзга қўшиладиган қўшимчалар шу сўз таркибидаги товушларга мослашади: қаттиқ сўзга қўшимчанинг қаттиқ варианты, юмшоқ сўзга эса қўшиманинг юмшоқ варианты қўшилади. Масалан, сифатдош қўшимчасининг **-ған** варианты қаттиқ сўзлар, **-ған** варианты эса юмшоқ сўзларга қўшилади: **барған, келган** каби.

Маҳмуд Кошғарий қаттиқ ва юмшоқ сўзларни фарқлашда кўрсаткичлардан фойдаланишга ҳаракат қилади. Масалан, таркибида қ ёки ғ товуши келган сўзларни у қаттиқ сўзлар гуруҳига, таркибида к ёки г товуши келган сўзларни эса юмшоқ сўзлар гуруҳига киритади.

...Бу тилда бурун товуши келган сўзлар ўрнига кўра **жс** ҳарфи билан бирикиб келади, *биринжс, бешинжс* дегандаги каби ёки “н” “г” билан бирикиб келади *минг, юнг* дегандаги каби (III т., 262-бет) ... ҳарф товуши ҳинд халқи билан аралашуш натижасида тилга кирган товушдир. (I т., 9-бет)

Тилшуносликдаги муҳим масалалардан бўлган тилнинг келиб чиқиши, сўз туркумларининг қай бири олдин пайдо бўлганлиги, икки тиллилик масаласи, чет тиллар таъсири масаласи каби назарий масалаларга ҳам тўхталади. Шу ўринда айтиш жоизки, бу масалаларда М.Кошғарий, албатта, ўз даври савиясига мос тарзда фикр юритган.

Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит-турк” асарии фақат тилшунослик асари бўлиб қолмасдан, ўз даврини қомусидир. Чунки унда турли халқларнинг тарихи, жўғрофияси, ижтимоий-иқтисодий аҳволи, урф-одатлари, табиий шароити, этнографияси, адабиёти ҳақида қимматли материаллар мавжуд. М.Кошғарий томонидан берилган маълумотлар ҳозирги тилларни ўрганишда ва уларнинг қиёсий-тарихий грамматикасини яратишда қимматли манба бўлиб қолади.

Иккинчи боб. Туркий тиллар тарихига оид манбалар

2.1. Умумтуркий манбаларда туркий тиллар тарихининг акс этиши

Ҳозиргача фанга маълум қадимги туркий тил манбалари турк-рун, қадимги уйғур, суғд, моний, брахмий, сурёний каби ёзувларда ёзилган. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, туркий халқлар қадимдан ўз ёзувига эга бўлганлар. 245-250 йилларда Камбоджага сафар қилган Хитой элчисининг қайдларида шундай дейилади: «Улар ўз китобларига эга бўлиб, уларни архивда сақлайди. Уларнинг ёзуви хун ёзувига ўхшайди». Ҳозирги тилшунос ва тарихчи олимлар хунларни тил жиҳатидан тунгус ёки мўғул эмас, балки турк деб кўрсатадилар. Бошқа бир Хитой тарихчиси Чжоушу солномасида «Тукюларнинг (яъни, туркларнинг) ёзуви ху халқининг (яъни, суғдларнинг) ҳарфларига ўхшаб кетади» деб ёзилади. VI асрда яшаган сурёний солноманавис Захария Ритор ҳам хунларнинг (туркларнинг) ёзуви ҳақида хабар беради. Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит-турк» асарида (XI аср) уйғур ёзуvidан ташқари яна бир туркий ёзув ҳақида маълумот беради: «Улар (уйғурлар) ёзув учун 24 ҳарфдан иборат бўлган туркча (қадимги уйғур) алифбодан фойдаланадилар. Бундан ташқари уйғур ва хитойликларнинг яна бир ёзув тури бор. Иш қоғозларини ушбу ёзув билан ёзадилар. Бу ёзувни мусулмон бўлмаган уйғурлар ва хитойликлардан бошқа ҳеч ким ўқий олмайди». Бизнингча, Кошғарий бу ўринда турк-рун ёзувига ишора қилмоқда. Фахриддин Муборакшоҳ Марварудий (XII аср) ҳам «тўқуз-ўғуз ёзуви» номи билан турк-рун ёзуви ҳақида маълумот беради. Форс тарихчи ва сайёҳи Алоиддин Атомалик Жувайний ўзининг «Тарихи жаҳонгуший» асарида (1260 йилда ёзиб тугатилган) қадимги уйғур хоқонлигининг пойтахти Ўрдубалиқ шаҳри харобаларини тасвирлар экан, ёзувлари ўйиб ёзилган кесматолар кўрганини ва уларни ҳеч ким ўқий олмаслигини ёзади. Машҳур филолог Ибн Арабшоҳ (1389-1450) «Ажойибул-мақдур фи навойиби Таймур» номли асарида Хитойда туркларнинг «дулбаржин» деган ёзувини кўрганини ва қирқ битта ҳарфдан иборат эканини ёзади. Туркологларнинг фикрича, юқоридаги барча фактик маълумотларда турк-рун ёзуви ҳақида гап кетган.

Турк-рун ёзуви илмий адабиётларда «Ўрхун ёзуви», «Ўрхун-Энасой ёзуви», «Энасой-Ўрхун ёзуви», «Сибирь ёзуви» каби турли номлар билан атаб келинади. Бу ёзувнинг келиб чиқишини А.А.Шифнер, Ҳ.Вамбери каби баъзи олимлар туркий тамғаларга боғлайди. Аксар туркологлар турк-рун ёзувининг келиб чиқишини оромий ёзуви билан боғлайдилар. Бунда Ўрта Осиёдаги эроний халқлар қўллаган ҳамда асли оромий алифбоси асосида шаклланган паҳлавий, хоразм ва суғд ёзувларининг туркий халқлар томонидан ўзлаштирилиши билан турк-рун ёзувининг вужудга келгани таъкидланади. Бироқ турк-рун ёзувининг шаклланган даври ва ўрни ҳақида ҳозиргача

аниқ фикр айтилмаган. Мавжуд манбалар асосида А.Н.Кононов турк-рун ёзуви тараққиётининг уч босқичини ажратади:

- 1) архаик даври (Еттисув ёдгорликлари, VI-VII асрлар; Энасой ёдгорликлари, VI-IX асрлар.);
- 2) классик даври (иккинчи Турк хоқонлиги ёдгорликлари, VIII аср 1-ярми);
- 3) сўнгги давр (Уйғур хоқонлиги даври ёдгорликлари, VIII аср 2-ярми – IX аср; Шарқий Туркистон ёдгорликлари, IX аср).

Турк-рун ёзувидаги ёдгорликлар географик жиҳатдан бир неча ареалга ажратилади. Улар ўртасида оз бўлса-да ареаллараро жузъий график, фонетик ва грамматик хусусийликлар ҳам учрайди.

1. Ўрхун ёдгорликлари: Унгин ёдгорлиги (Н.М.Ядринцев, 1891), Кул-тегин ёдгорлиги (Н.М.Ядринцев, 1891), Мўғилон-хон ёдгорлиги (Н.М.Ядринцев, 1891), Тўньюкук ёдгорлиги (Е.Н.Клеменц, 1897), Кули-чур ёдгорлиги (В.Л.Котвич, 1912), Мўюн-чур ёдгорлиги (Г.И.Рамстедт, 1909), Сужи ёдгорлиги (Г.И.Рамстедт, 1913) ва б.

2. Энасой ёдгорликлари: Энасой дарёси ҳавзаси, Тува, Хакасия ва Минусинскдан топилган 85 та ёзув намуналари. Улар ёзилган даврни олимлар ҳар хил кўрсатади. В.В.Радлов VII-VIII, П.М.Мелиоранский VI-VII, С.Е.Малов V-VI, Л.Р.Қизласов IX-X, А.Н.Кононов IX-X асрларда ёзилганини таъкидлайди.

3. Шарқий Туркистон ёдгорликлари: Турфондаги қадимги бино деворларида тўртта ёзув намунаси, Мирон ва Дунхуандан топилган қоғозга ёзилган бир неча матн («Ирк битиги» - «Фолнома» ҳам шулар жумласида).

4. Талас ёдгорликлари: Қирғизистоннинг Талас водийсидан топилган ўн иккита ёзув намунаси.

5. Фарғона ёдгорликлари: Кошин ва металга ёзилган қиски ёзув намуналари.

Турк-рун ёзувининг 40 дан ортиқ шакллари бор. Алифбода унлилар сони 4 та, Энасой вариантида 5 та. Аксар ундошларнинг алоҳида хусусияти шундаки, улар қаттиқ ва юмшоқ (веляр ва палатал) шаклларга эга бўлган. Булардан фақат п, ч, з, ш, м ундошларини ифодаловчи ҳарфлардагина бундай ҳолат кузатилмайди. Яна бир жиҳати, баъзи ҳарфлар бир неча товушлар бирикмасини ҳам ифодалаганлар Масалан, нй, нг, нт, нч, лт, рт, ик, ки, ук, ку, ик, ки, ук, ку, ўк, ўк кабилар. Ёзувнинг график хусусиятлари шуки, ҳарфлар ўнгдан чапга қараб ёзилган. Улар ўзаро уланмайди. Манбаларнинг ёзилиш ҳудуди ва даврига қараб ҳарфларнинг график вариантлашуви жуда кучли. Масалан, палатал б, веляр т, м, палатал н, қ, ук, ғ, нг, нч, нт, з, веляр с каби ҳарфларнинг кўплаб шаклий вариантлари мавжуд.

Қадимги уйғур ёзуви келиб чиқиши жиҳатидан фонографик ёзув бўлган оромий ёзуви билан боғланади. Уйғур ёзуви эрамизнинг 5-6 асрларида қадимги сўғд ёзуви асосида шаклланган. М.Кошғарий ва А.Навоийлар бу ёзувни туркча хат деб атаганлар. 13 аср форс шоири Пури баҳойи уйғур хати дейди. Ибн Арабшоҳ ҳам уйғур хати, ҳам мўғул хати деб номлаган. Бу ёзувда битилган аксар манбалар қадимги туркий тил даврига оиддир. Қисман эса араб ёзуви қўлланган даврда ҳам параллел равишда истеъмолда бўлган. Бу ёзувдаги манбалар тематик жиҳатдан ранг-баранг бўлган. Адабий, диний, фалсафий, тарихий, илмий, ҳуқуқий мавзулардаги манбадар сақланиб қолган. Бу ёзув Ўрта Осиёда 15 асргача қўлланган бўлса, будда динига эътиқод қилган туркий халқлар орасида 18 асргача истеъмолда бўлган. Қадимги уйғур хатида қадимги туркий тил давридан кейинги даврларда Қутадғу билиг, Ҳибатул ҳақойиқ, Муҳаббатнома, Тазкиратул авлиё, Меърожнома каби кўплаб асарлар ҳам кўчирилган.

Мазкур алифбода 18 ҳарф белги бўлган. М.Кошғарий бу ҳарфларни ўзак ҳарфлар номлайди. Ҳамда яна 7 та товуш учун алоҳида ҳарфлар ясалишини ҳам уқтиради. Буларни эса тармоқ ҳарфлар деб номлайди. Қадимги уйғур ёзуви график хусусиятларига кўра араб ёзувига ўхшаб кетади. Ҳарфлар ўнгдан чапга қараб, ўзаро уланиб ёзилади. Ҳарфларнинг турли позицион шакллари мавжуд. М.Кошғарийда келтирилишича, қадимги уйғур алифбоси қуйидагича бўлган: 1. алиф-а. 2. Ё-й, и, э. 3. Вов-ў, у. 4. Во-в, ф. 5. Ба-б, п. 6. Та-т. 7. Ха-х, ғ. 8. Қа-қ. 9. Са-с. 10. Ша-ш. 11. Ка-к. 12. Ча-ч, ж. 13. Ма-м. 14. Ла-л. 15. Ра-р. 16. За-з, ж (сирғалувчи). 17. Зол-дз. 18. На-н.

Қадимги туркий халқлар турк-рун, қадимги уйғур ёзув тизимларидан ташқари қатор бошқа алифболардан ҳам фойдаланган. Масалан, қадимги моний ёки монихей ёзув шулар жумласидандир. Мазкур ёзувда битилган энг йирик асар Хуастуаниф саналади. Бу асар адабиётларда Монийларнинг тавбаномаси деб ҳам юритилади. Моний алифбоси қадимги уйғур алифбосига қариндош ёзув саналади. Айрим график хусусиятлар умумийлик касб этади.

Қадимги туркий халқлар қўллаган яна бир ёзув брахмий ёзуви бўлган. Мазкур алифбодан асосан будда динига эътиқод қилган қадимги туркий халқлар фойдаланган. Бу алифбо мураккаб структурага эга булган. Мураккаблик шундаки, ҳарфлар ўзаро туташтирилганда график жиҳатдан кескин ўзгаришларга йўлиқади. Бу алифбонинг яна бир алоҳида хусусияти, унли товушларни қатор ва қисқалик-чўзиқлик белгилари билан фарқлаган. Ваҳоланки, бундай мукамалликни бошқа ёзувларда бу даврда кўрмаймиз. Масалан, олд қатор а, и, ў ва у, орқа қатор а, э, и, ў ва у, чўзиқ а, э, ў ва у.

Қадимги туркий халқлар шунингдек, сўғд, сурёний каби ёзувлардан ҳам фойдаланганлар лекин уларда ёзилган манбалар кам сақланиб қолган. Мазкур ёзув тизимлари ҳам оромий ёзуви асосида шакллангани учун уларнинг график хусусиятлари уйғур ва моний ёзувларига ўхшаш бўлган.

Тилимиз тарихининг қадимги давр хусусиятларини ўрганишни амалий равишда бошлаб берган Махмуд Кошғарий қадимги ва эски туркий тил фонетик хусусиятларини ҳам атрофлича ёритиб берган. М.Кошғарий ўз даври туркий тил шеваларини солиштирар экан, улар ўртасидаги фонетик дифференциацияга (фарқланишга, ажралишга) эътибор қилади. Шарқий Туркистондаги Қарлуқ қабилалари иттифоқига кирган чигиллар ҳақида шундай мисоллар келтиради: айақ – азах, қарин тўйди – харин тўзди. Бунда Ё-З товушлари мослигини таъкидламоқда. Шунингдек, М.Кошғарий ўз даври унлиларини қадимги туркий тилнинг барча манбаларига хос бўлганидек, қатор, тор-кенглик, лабланиш-лабланмаслик белгиларига кўра фарклаган. Кейинги даврда қадимги туркий тил даври ёзув ёдгорликларининг фонетик хусусиятларини ўрганиш, барча томонларида бўлганидек, В.Томсен, В.В.Радлов, Ҳ.Вамбери П.М.Мелиоранский, В.Банг, каби олимлар тарафидан янги босқичда давом эттирилди. Қадимги туркий тил манбаларининг фонетик-грамматик хусусиятларини ўрганишда А.М.Шчербак, В.Г.Кондратьев, А.С.Аманжолов, Н.К.Антонов, Г.Айдаров, Д.М.Насилов, А.Габен, Ҳ.Н.Оркун, А.Ж.Эмре, Т.Текин, ўзбек олимларидан Ғ.Абдурахмонов, А.Рустамов, Э.Фозилов кабиларнинг катта илмий хизматлари бор.

Қадимги туркий тил даврида туркий халқлар тарқалиш ареали тахминан шундай бўлган: 1. Ўрхун турклари Мўғилистонда; 2. Уйғурлар Селенга дарёси ҳавзасида; 3. Қирғизлар Энасой дарёси ҳавзасида; 4. Қуриқанлар Байкал кўли атрофида; 5. Ўғуз, кипчоқлар Қозоғистон ва Ўрта Осиёда; 6. Булғор, хазар ва аварлар Волга дарёси ва Қора денгиз атрофларида яшаганлар.

Қадимги туркий тил фонетик хусусиятлари ҳақида гап кетганда, аввало, бу даврга келиб дифференциацияланган мазкур туркий халқлар орасидаги айрим товуш мосликлари тўғрисида гапирилади. Ҳамда ҚТТ ёдгорликлари асосан Д ундоши хусусиятига эга бўлгани айтилади. Туркий тиллар тарихий фонетик тараққиётини ҳам ўзида акс эттирган ундошлар мослигини қуйида кўрамыз.

Асос ўртаси ва охирида Р-Д/Т-З/С-Ў ундошлари мослиги. Масалан: адақ (ЎЭЁ, ҳозирги тува тили), атақ (ҳозирги ёкут тили), азақ (қадимги чигил, ҳозирги хакас ва шор тиллари), айақ (ҳозирги ғарбий туркий тиллар), ура (қадимги булғор, ҳозирги чуваш тиллари).

Н.А.Баскаковга кўра, туркий тилларда Р хусусияти олтой даврига оид. Т/Д, С/З/ДЗ хусусиятлари хунн даврида шаклланган. Ў хусусияти эса ўрта турк даврида вужудга келган. Яъни, Р-Д/Т-С/З/ДЗ-Ў кетмакетлигида ривожланган.

А.М.Шчербак фикрича, туркий тиллардаги Ў, Т, З, Р хусусиятлар ягона умумий ДЗ товушидан бир даврда тенг шаклланган.

Б.А.Серебренников эса умумий ДЗ товушидан Д, З, Дй товушлари ривожланади. Сўнгра Д-Т, З-Р, Дй-Ў ўтиши содир бўлган дейди.

Қадимги туркий ёзув ёдгорликларининг ўзаро фонетик-грамматик жиҳатлардан фарқланиши асосида уларни айрим диалектларга ажратиш зарурати пайдо бўлди. В.В.Радлов ҚТТни урта диалектга ажратади: 1) шимолий диалект, 2) жанубий диалект, 3) аралаш диалект.

Шимолий диалект турк-рун ёзуви ёдгорликлари учун хос эканини; жанубий диалект уйғур ёзувида битилган Сужи, Селенга ва Турфон ёдгорликлари учун хос эканини; аралаш диалект учун эса моний ёзувидаги туркий ёдгорликлар, уйғур ёзувидаги моний дини ёдгорликлари, «Қутадғу билиг» асарининг араб ёзувидаги Қоҳира нусхасини, уйғур ёзувида битилган будда дини ёдгорликлари «Олтин ёруқ», «Тишаствустик», «Куан-ши-им-Пусар» каби манбалар тили хос эканини айтади.

А. Габенга кўра ҚТТ диалектлари қуйидагича: 1) й – диалекти (уйғур ёзувидаги буддавийлик ва монавийлик матнлари), 2) битиктошлар диалекти (ЎЭЁ), 3) н – диалекти (моний ёзуви ёдгорликлари), 4) брахмий ёзуви ёдгорликлари диалекти.

1) айиғ, сув, 2) аниғ, суб 3) аниғ, -лағ (-лиғ), -ап (-ип), 4) кейинги бўғинларда лабланган кенг унлилар қўлланиши бор: олороп, конгломонг.

Қадимги туркий тилда саккизта унли фонема мавжуд бўлиб, улар бир биридан катори, тор-кенглиги, лабланиш-лабланмаслигига кўра фарқ қилади. Булардан а, ы, о, у, орка катор ва а, и, о, у олд катор унлиларидир. Кенг унлилар а, а, о, о, тор унлилар ы, и, у, у.

Лабланмаган унлилар а, э, ы, и, лабланган унлилар о, о, у, у.

а лабланмаган кенг ва орка катор: а лабланмаган, кенг, лекин олд катор унлидир. Бу унлининг талаффузи қозоқ, қирғиз ва бошқа купгина туркий тилларда ҳамда ўзбек тилининг сингармонизмга лаҳжа ва шеваларида сақланган.

ы унлиси лабланмаган, тор ва орка катор: и ҳам лабланмаган, тор, лекин олд катор унлидир. Бу икки унли фонема ҳозирги ўзбек адабий тилида ва сингармонизмга лаҳжа ва шеваларда ы нинг олдинга силжиши натижасида конвергенция учраган, яъни бир фонема (и) га айланган о унлиси лабланган, кенг ва орка катор: о ҳам лабланган, кенг, лекин олд катор унлидир. Бу икки фонема ҳам ҳозирги ўзбек адабий тили ва сингармонизмга лаҳжа ва шеваларда о нинг олдинга силжиши натижасида конвергенция учраб, бир фонема (о) га айланган.

у унлиси лабланган, тор ва орка катор: у ҳам лабланган, тор, лекин олд катор унлидир. Бу унлиларнинг ҳам ҳозирги ҳолати о ва о унлиларникидаги сингари. Қадимги туркий тилда ҳам у ва у алоҳида фонемадир.

Ҳозирги о унлисини қадимги туркий тилда а унлиси ифода қилади. Масалан, ҳозирги бош сузи баш, қор сузи қар тарзида талаффуз этилади. А унлиси эса ҳозиргидек муотакил фонема бўлмасдан э нинг варианты сифатида талаффуз қилинади. масалан. ал эл. Лекин ҳозирги тилда э муотакил фонемага айланган: қал қэл: бари бэри: қар қэр: бар бэр.

Ундошлар, Қадимги туркий тилда б-, м, п лаб ундошлари мавжуд. Сирг-алувчи лаб ундоши ф йук Урхун ёзувида в учун махсус харф йук Унинг урнида б ни билдирувчи харф ишлатилади. Уйгур ёзувида эса в учун махсус харф бор. Б ундоши лаб — лаб, портловчи, жарангли, шовкинлар ундош булиб, суз бошида ҳам, уртасида ҳам охирида ҳам учрайди: бу, йаб — у (амир), саб (нутк). В ундоши факат уйгур ёдномаларида бор. Махмуд Қошгарийнинг ёзишича, туркий халқларда в нинг талаффузи икки хил булган. Угузлар буни лаб —лаб, соф турклар эса лаб —тиш в тарзида талаффуз килганлар. Бу даврда лаб—тиш варианты булган. дейиш мумкин, В факат суз уртаси ва охирида урхун ёдномаларидаги б урнида. учрайди: сав(нутк), савинч (севинч), қадимги туркий тил с, з, т, д, н, л, р, тил олди — тиш ундошлари бор. С тил олди —тиш, сиргалузчи, жарангсиз ундош фонема булиб, калин (веляр) ва ингичка (палатал) вариантларга эга. З ундоши с дан факат жаранглилиги билан фарк килиб, асосан сўз ўртасида ва охирида ва баъзан с фонемасининг варианты сифатида учрайди: аз (оз), азук (озук).

Т ундоши с дан факат портловчилиги билан фарк килиб, ҳамма позицияда учрайди: таш, (тош), ата, (ота),. ат, (от).

Суз бошидаги қадимги т хозир д га утган булиши мумкин: тади — деди. Д ундоши у дан факат портловчилиги билан фарк килиб, суз уртасида ва охирида учрайди: бодун (халк), од (замон). Бу ундош урнида қадимги даврлардаёқ тиш — ора з (з) ҳам ишлатшиқан: бозун, кейинча/шк з, сунгра й ишлатила бошлаган: адак — азак — аяк (оёк). Н ундоши д дан сонорлиги ва назаллиги билан фаркланади. Демак, бу товуш тил олди, портловчи, сонор, ундош булиб, суз бошида камрок ва бошка 18 позицияларда купрок учрайди: ' нанг (нароа), ана (она), бан (мен). Л ундоши н дан ён товушлиги ва бурнаки эмасли'ги билан фарк килади. Ён ёки латерал ундош деб упкадан чцккан хаво тилнинг бир ёки икки ёнидан утиши натижасида хосил булган товушга айтилади. Туркий л талаффузида хаво тилнинг икки ёнидан утади қаво тилнинг икки ёнидан утганда товуш билатерал (икки, ён) тер'мини билан аталади. Демак, л тил тил олди , ён, сонор ундош булиб, суз уртасида ва охирида учрайди; алп (баходир,) ал (ол). р ундоши л дан ён эмаслиги ва калтироклиги билан фарк килади. қалтирок ёки вибрант ундош деб тил учининг титраши натижасида вужудга келган товушга айтилади. Демак, р тил олди —тиш, калтирок, сонор ундош булиб, л сингари, суз уртасида ва охирида учрайди: ара (ора), ар (эр).

Қадимги туркий тилда тил олди —танглай жарангсиз ундошлардан ч билан ш бор, ж билан ж эса йук 4 портловчи, ш сиргалувчи ундош. Булар ҳам калин ва ингичка вариантларга эга булиб, ч ундоши ҳамма позицияда учрайди: чаб —чав (шухрат), ачи (ака), ач (оч) Ш ундоши суз бошида камрок, суз охирида купрок, учрайди: шад (унвон), аша (оша), аш (эш) . Бу ундош урхун ёдномаларида с билан алмашиб келади, аш ас (эш) тарзида. Мазкур ундош фонемаларнинг ҳаммаси палатал (ингичка ёки юмшок) ва веляр (калин ёки юмшок) вариантларга эга. Бу ундош

фонемаларнинг ҳар бири олд қатор унлилари ;бйлан келганда ингичка талаффуз қилинади, орқа қатор унлилари билан бирга келганда калин айтилади. Ингичкалик ёки палаталлик тил урта қисмининг каттик танглай (палатум) га, калинлик (велярлик) эса тилнинг орқа қисмининг юмшоқ танглай (велум)га кутарилиши натижасида вужудга келади. Талаффузнинг мана шу хусусияти билан туркий сўзлар калин ёки ингичка бўлади: ат ат: ал ал: ас ас: ут ут: ол ол: ылык илиқ

Қадимги туркий тилда й, к, (к), г (г), н тил урта ва тил орқа ундошлар бор. Й тил урта ва тил орқа вариантларга эга булган сирралувчи сонор чфонемадир. Й нинг назаллашган варианты ҳам бор булиб, Тон йукук отидаги ни шундай й хусусиятига эгадир. К (к) тил урта. (к) ва чукур тил орқа (к) вариантларига эга булган портловчи, жарангсиз ундош фонемадир. Г (р) фонема си к (к) дан фақат жаранглилиги билан фарк қилади. Қадимги туркий тилда к (к) ҳар учала позицияда ҳам учрайди: кан (кон), киши, оқит (чақир), аки (икки), ок (ук), ток (тук)- Қадимги к ҳозирги тилларда Ғ, Ҳ, В, га ўтиши ёки тушиб қолиши мумкин. Қадимги туркий тилда бўғиз ундоши х йўқ

Сингармонизм. Сингармонизм деб сўздаги товушларнинг бир-бирига ҳамда ўзакка қўшимчаларнинг қўшилишига талаффуз жихатидан уйғунлашишига айтилади. Қадимги туркий тилда сингармонизмнинг икки қонуни мавжуд: 1) танглай уйғунлиги ёки палатал ва веляр аттракция: 2) лаб уйғунлиги ёки лабиал аттракция.

Танглай уйғунлиги —суздаги товушларнинг бир-бирига ва қўшимчаларнинг ўзакка қаторда ва калин ингичкаликда мослашувидир: қағанқа (хоконга), кимка (кимга), илгару (олдинга), оғузғару (ўғузга), барығ (бориш), билиг (билим). Лаб уйғунлиги биринчи бугиндаги унлига кейинги бурундаги' унлининг ёки узакдаги унлига қўшимчадаги унлининг лабланиш жихатидан мослашувидир: ишиг (ишни), кучуг (кучни), иним (укам), козум (кузим), алимиз (давлатимиз), сумуз (лашкаримиз).

Қадимги туркий тилда нутқнинг товушдан бошқа фонетик бўлаклари, урғу ва интонация ҳозирги туркий тилларниқидан ўзгача бўлганлиги кўрсатувчи далиллар йўқ.

2.2. Туркий тилларнинг ўзига хос хусусиятлари

Қадимги туркий тилнинг лексик хусусиятлари ҳақида илмий маълумотлар етарли эмас. Бу борада Малов С.Е., Батманов А.Н., Муталлибов С, Неъматов Ҳ., Дадабоев Ҳ. каби бир қатор олимларнинг хизматларини таъкидлаш жоиз.

Маҳмуд Кошғарий луғатида келтирилган сўзлар изоҳи, этимологияга оид шарҳлар қадимги туркий тил даврининг лексик хусусиятларини ўрганишдаги илк тадқиқотлар ҳисобланади. Қадимги туркий тил битигларида қўлланган турли соҳага оид сўзлар, жумладан ҳарбий атамалар, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий атамаларга алоҳида тадқиқотлар бағишланган. Қадимги тил битикларида қўлланган сўзларнинг ўз даврига хос фаол ва нофаоллиги, баъзи қадимги сўзларнинг

кейинги даврларда истеъмолдан чиқиши, уларнинг маъно тараққиётидаги ўзгаришлар, шунингдек, турли соҳага оид сўзлар гуруҳини ажратиб таҳлил қилиш лозим. Бу битиглар лексикаси ранг — баранг эканлигини кўрсатади.

Турколог — лексиколог ва ўзбек тили лексикаси билан шуғулланган олимлар турли даврлар ёзма ёдгорликлари тили сўзларини лексик қатламларга бўлиб ўрганганлар. Илмий адабиётларда бу давр лексикаси ўз ва ўзлашган қатламга бўлиб тадқиқ этилган. Аммо қадимги туркий тил лексикасини фақат ўз қатлам асосида кузатиш мумкин. Негаки, V —X асрлар битигларда аксарият сўзлар олтой тиллари, жумладан, туркий тил, лексемаларидан иборат эканлигини кўрсатади. Ушбу қонуният луғавий қатлам тадқиқига бағишланган қатор ишларда ёритилган. Қадимги туркий тил лексикаси Урхун — Энасой ва уйғур ёзувлари битиглари асосида кузатилар экан, соф қадимги туркий тил сўзларини турли соҳаларда фаол қўллангани кўринади.

Қадимги туркий тилнинг ўзлашган қатлам лексикасини А.Габен қуйидагича бўлади. 1.Мўғулча сўзлар. 2.Хитойча сўзлар. 3.Қадимги форсча сўзлар. 4.Қадимги ҳиндча сўзлар. Габеннинг таъкидлашича, мўғулча сўзларни асл туркий сўзлардан фарқлаш жуда қийин. Шунинг учун у ўз асарида бунга мисол кўрсатмайди. А.Н.Кононов эса шу мисолларни мўғулча дейди: талуи (денгиз), эчу (ака). Ваҳоланки бу сўзлар Габенда биринчиси хитойча, иккинчиси туркча деб крсатилган. Бошқа мисоллар: алтун, кунчуй, Шантунг, лунг кабилар хитойча, азун, батур, камуғ, қатун, шад, тигин, тарқан кабилар эроний тиллардан олинган, тўру (қонун), мақарач (махаража), архант (азиз) каби сўзлар санскритча ҳисобланади.

Н.Абдурахмонов қадимги туркий тилнинг луғавий қатламини мавзуйий жиҳатидан ун икки гуруҳга ажратиб талқин этади. Тадқиқотларда берилган маълумотларни умумлаштирилган ҳолда, қадимги туркий тил тараққиётининг асосий босқичларида кенг истеъмолда бўлган сўзларни қуйидаги мавзуйий гуруҳларга ажратиш мумкин: 1.Жой номлари. 2.Этник номлар (уруқ ва қабила номлари). 3.Киши исмлари. 4.Гидротопонимлар (дарё ва кўл номлари). 5.Зоонимлар (ҳайвон ва парранда номлари): а) уй ҳайвонлари. ва ёввойи ҳайвонлар; б) парранда номлари в) қуруқлик ва сув ҳайвонлар номлари.

1. Жой номлари. Қадимги туркий тил топонимлари туркий халқларининг моддий — маданий турмуш тарзи, дунёкараши, урф —одат ва анъаналарини ўзида мужассамлаштирган. Қадимги туркий тил ёдномаларида, хусусан, урхун — энасой ёзувида етиб келган Култагин, Тўнюқуқ, Унгин битигларида қуйидаги жой номлари учрайди: Табғач, Ясси, Ёугнак, Чамбуд, Тунут, Отукан йиш, Алтун йис, Тамир капиғ, Суғдак, Буқарақ, Работи оғуз, Чача ва бошқалар. Жой номлари ўша даврда ҳам табиат иқлими, нарса ва буюмларнинг ташқи хусусиятларига, шунингдек, ўсимликлар нисбатига қараб қўйилган: Қарақум, Сувлук, Атлик, Актерак

қабилар. Бир гуруҳ жой номлари этник уруғ, қабилалар номи билан боғлиқ: Кирғиз, Табғач, Оғўз, Аз ва бошқалар. Баъзи жой номлари томонлар ва тоғлик жой атамалари билан боғлиқ аталган: Йирайа (шимол), Берийа (жануб), Онгра (шарқ), Касра (ғарб), Йиш (тоғ). Отукан йиш, Қадирқан йиш каби.

2. Этник номлар VI—XIV асрларда Ўрта Осиё, Қозоғистон, Сибир ҳудудларида яшаган туркий халқларининг этник таркиби хилма—хил бўлган. Бу ҳудудларда туркий халқлар билан бир қаторда туркий бўлмаган халқлар (эронийлар) истиқомат қилишган. Туркий ва туркий бўлмаган уруғ, қабилалар тўғрисидаги дастлабки маълумотлар Маҳмуд Кошғарий луғатида акс этган. Бу давр ёдгорликларига оид тадқиқотларда туркий халқлар ва улар билан ёнма-ён яшаган этник гуруҳлар ҳақида илмий асосга эга бўлган фикрлар билдирилган.

Туркий қабилалардан баъзилари ўзларини яшаб турган ҳудудлари номи билан атаган бўлишса (Аз), маълум қисми байроқдаги тамға номи билан юритилган (Тамғали, Туйақли).

Ўрхун-Енасой ва уйғур ёзуви битигларида ўша даврда шаклланган қуйидаги туркий ва туркий бўлмаган уруғ ҳамда қабилалар номи учрайди: арғу, басмил, турк, татар, шунингдек, тазик (тожик), татаби, ташуг, изгил, сўғд, китани, авар, табғач ва бошқалар. Баъзи уруғ ва қabila номлари бир қатор битигларда жойланиш ўрни жиҳатидан турлича бўлса ҳам, манбаларда такрор қўлланган. Масалан, найман, қарлук, қипчақ каби.

3, Киши исмлари. Битигларда учрайдиган киши исмлари ўша давр анъана, урф — одатларига мувофиқдир. Улар шахсларнинг тавсифи, қabila учун муқаддас ҳисобланган ҳайвонларга нисбатни, осмон жисмларнинг улуғворлигини, ифодалаган; Култигин (кул кучли), Тўнюкук (тунгич жавҳар), Билга хоқон (билга, доно) Бўри, Барс, Култагин, Кунтуғди, Ойтулди ва бошқалар. Қадимги туркий тил луғат таркибида исмлар ўша давр луғат бойлигини оширишда муҳим аҳамият касб этган. Аҳамиятlisi шундаки, битигларда учрайдиган исмларни лексик — семантик, генеологик жиҳатидан таҳлил этилганда уларнинг соф туркий сўзлардан иборат эканлиги кўринади. Табиат, иқлим билан боғлиқ номлар руник ёзувли битигларда кўп учрайди: Ёинжу оғуз (оғуз дарё), Иртиш, Селенга, Қаракол.

4. Дарё ва кўл атамалари. Балқашкол, Қозликкол. VI—XIV асрларда дарёлар номига оғуз сўзи қўшиб ишлатилган.

5. Зоонимлар. а) уй ҳайвонлари номлари: ат от, таба-туя; ёввойи ҳайвонлар: адиг (айик), бичин (маймун), арслон, барс, бори, кайик, арқар, сорук, соқак (кийик), табушқан (куён).

б) парранда номлари: сундулач (булбул), турна, қозгун, тоқут (товук), қарлиғач, тотти, чағри, қалук каби.

в) қуруқлик ва сув ҳайвонлари номлари: йилан, сичан, бақа.

Қадимги: битиглар луғат таркибида турли соҳаларга оид, шунингдек, жинс, қариндошлик атамалари фаол ишлатилган. Бундай сўзлар ҳозирги туркий лексиканинг қадимги шакллари: қан (хон), ог (она), сингил, опа (бобо), ини, чолук, ар, қатун, ака, ингун (қариндош), йигун (жиян), ачи (амаки), оғул (ўғил), эран каби.

Қадимги туркий халқлар турмуш тарзининг барча соҳаларига оид сўзлар асосан туркий қатламга хос бўлган.

Қадимги туркий тил луғат таркибида мавжуд сўзлар ўша даврда яшаган уруғ ва қабилаларнинг барчасига тегишлидир. Улар туркий халқларининг яшаш тарзи, машғулот, ҳарбий — жуғрофий шароити, маданияти қабиларнинг акс эттирувчи сўз ва атамалардир.

Қадимги туркий тил морфологик тип жиҳатидан ҳозирги туркий тиллар сингари агглютинативдир. Қадимги туркий тилда морфемалар ҳозирги узбек тилидан сингармонистик вариантларининг мавжудлиги билан фаркланади. Бу ҳол-соф морфологик фарк бўлмай фонетик фарқ ҳисобланади.

Қадимги туркий тилда от, отлашган сўз ёки сифатдан, от ясовчи куйидаги кўшимчалар бор:

1. — чы, — чи кўшимчаси. Калин негизга. — чы, ингичкасига — чи варианты куншлади. Бу кўшимча касб. ва бирор юмуш эгасини билдирувчи от ясайди:

-бадиз (накш) — бадизчи(наккош)

йог- (аза) — йогчы (азани бошқарувчи) ан (ов) — анчы (овчи)

2. Лык, лик, лук; лук кўшимчаси мавқумлик, макон ва тановар англатади. Лаблинмаган унлили калин негизга лык, ингичкасига лик варианты кушилади. Лаблинган унлили калин негизга лук, ингичкаси лук варианты кутила ди:

ач (оч) аччиқ (очлик), ивмиш. (мева) ивмишлик (мевазор), чарук (чорик) чаруклук (чорикнинг танрвари), кун (кун) кунлук (кунлик)

3. -ан, - ан кўшимчаси-етуклик билдиради ва ан варианты калин негизга, ан эса ингичкасига кушилади: эран, оғлан.

4. -кан (-хан), -кан кўшимчаси. Бу кўшимча лакаб, унвон, географик ва астрономик номлар таркибида учрайди. Қалин негизга -кан (-хан), ингичкаси -кан варианты кўшилади:

Тангри (тангри) тангрикан (художуй), йэти (етти) Йэтикэн (Етти карокчи), қадир (кийин, каттик) Қадирқан (жой номи)

5. -как, -как, -гак, -гак кўшимчаси. Бу кўшимча отга кушилганда мақдудлик, чегараланганлик ва феълга кушилганда курул, восита ёки, муболага билдиради. Жарангсиз ундош билан тугаган қалин негизга как, ингичкасига как варианты кўшилади. Жарангли ундош ёки унли билан тугаган қалин негизи гак, ингичкасига гак кушилади:

6. -ку, -ку, -ғу, -ғу қўшимчаси. Бу қўшимчанинг сўз негизига қўшилиш тартиби бундан олдинга қўшимчаники сингари бўлиб, мавҳумлик маъносини билдиради: оғлан (ёш киши) оғланғу (ёшлик, болалик), асан (бахт), асанғу (эсонлик), инч (тинч) ингачку (тинчлик).

7. -там, -там, -дам, -дам қўшимчаси. Бу қўшимчанинг. цам негизга кушилиш тартиби бундан олдинги икки қўшимчаникига ухшашдир. Отдан от ёки сифат згсайди:

ар (эр) — ардам (одоб, етуклик)

тангри (тангри) — тангрйдам (илокий, осмоний).

кун (куёш)—кундам(куёшлий)

8. — таш, —таш, —даш, —даш қўшимчаси. Бу қўшимча қозирги узбек тилидаги — дошнинг узидир. Негизга кушилиш тартиби бундан олдинги қўшимчаники сингаридир:

ка (идиш)— кадаш (тутишган)

9. — ш қўшимчаси. Бу қўшимча ундош билан тугаган сузларга бирикканда, олдида тор унли кушилади:

бар (бог, бойлам) — барыш (бутан) тарк (тез) — таркйш (тезлик)

10. —сук, —сук қўшимчаси. Биринчй варианты калин негизга, иккинчиси ингичка негизга кушилади. Отдан от ёки сифат ясалади:

багыр (жигар) — багырсук (ичак) тан (зқайрат) — тансук (ажойиб)

11. — суш, —суш қўшимчаси. Бу қўшимча —сук, — сук қўшимчаси билан бир манбага эга. Чунки туркий тилларда к (к) —ш мослиги бор. Бу қўшимчага битта мисол бор:

сув (сув) — сувсуш (айрон)

Қадимги туркий тилда феълдан от ясовчи тубандаги қўшимчалар бор:

1. -м қўшимчаси. Бу қўшимча ундош билан тугаган негизларга қўшилганда, олдида бир тор унли пайдо. Булади. Бу унлининг сифати негизнинг калин. ингичкасига ва таркибидаги унлининг лаблаған лабланмағанлигига боғлиқ. Феълдан англашилган қаракат билан боғлиқ предметни билдиради: ал (ол) алым (карз карз берганга нисбатан)

бар (бер) барим (карз карздорга нисбатан) кдд (кий) кадим (кийим) соқ (суй) соқум (сўқим) ол (ўл) олум (ўлим).

2. -н қўшимчаси. Негизга қ'ушилиш тартиби м ники сингари бўлиб, феъл билдирган ҳаракат натижасида пайдо булган предметни англатади:

ак (ок) акын (сел) тар (тер) тарин (жамоа) бул (топ) булун (асир) туг (тут) тухун (тугун)

3. -ма, -ма қўшимчаси. Калин негизга ма, ингичка негизга ма варианты кушилади. Феъл англатган ҳаракат натижасида пайдо булган ва шу ҳаракатни -бажарадиган-предметни ифодалайди:

йал (ел) йалма (тез отлик отряд),кас (кес) касма (кокил), тут (тут, сақла) тутма (сандик)

4. -г қўшимчаси. Бу қўшимчанинг негизига қўшилиши тартиби — м, — н қўшимчалариники сингари бўлиб, феъл бўлдирган ҳаракатни бажарувчи ва шу ҳаракат билан боғлиқ предметни англатади:

Кап (ёп) капыг (дарвоза), бил (бил) билиг (илм).

Кичрайтув, Қадимги туркий тилда ақ ак, қы, ки, чық чик ва ч каби кичрайтув ва эркалаш аффикслари учрайди:

йол (йул) йолак (сукмок)

оғлан (йигит) оғланчық (йигитча)

ата (ота) атақы (отажон)

ата (ота) атач (отагина)

Куплик Бу даврда кўпликнинг асосий ва кўп қўлланадиган кўрсаткич— лар қўшимчаси бўлиб, у қалин ва ингичка вариантларга эга. қалин негизга лар, ингичка негизчалар варианты қўшилади:

кунчуй (хоним) кунчуйлар (хонимлар), баг (бек) баглар (беклар).

Бу аффикснинг ҳозирги туркий тил ва лаҳжаларидаги нар, тар сингари биринчи ундоши фарқли бўлган вариантлари қадимги туркий тилда йўқ. Бу даврда н билан баъзи сўзларнинг кўплиги шу н ни т га айлантириб ясалганини кўриш мумкин:

тарқан (тархон) тарқат (тархонлар), тагин (.шахзода) тагит (шахзодалар), аран (жангчи) арат (жангчилар).

Эгалик қўшимчаси қадимги туркий тилда м биринчи шахс бирликдаги эгалик қўшимчаси бўлиб, ундош билан тугаган негизга қўшилганда унинг олдида бир тор унли орттирилади. Бу унлининг сифати негизнинг қалин ингичкалигига, охириги бўғиндаги унлининг лабланган лабланмаганлигига боғлиқ:

апа (бобо) апам (бобом)

ат (от) атым (отим)

Иккинчи шахс бирликдаги эгалик қўшимчаси н бўлиб, бунинг негизига қўшилиши тарзи м ники кибиدير:

богда (ханжар) богданг (ханжаринг), қан (хон) канунг (хонинг), оғул (ўғил) оғлунг (ўғлинг)

Буларнинг кўплиги ыз, из, уз, уз қўшимчалари билан ясалади:

апа (бобо) апамыз (бобомиз), йарлык (фармон) йарлыкунгыз (фармонингиз). -ы, -и учинчи шахс бирликдаги эгалик қўшимчаси бўлиб, унли билан тугаган негизга қўшилганда олдида с товуши орттирилади: билиг (илм) — билиги (илми), ат (от) — аты (оти), су (лашкар) — суси (лашкари), йағы(ёв) — йағысы.

Келишик. Қаратқич кўшимчасининг, нинг, нунг, нинг нунг шаклида бўлиб, н. ундоши билан тугаган сўз ва сўз формаларига қўшилганда бир н тушиб қолади. Қайси вариантынинг ишлатилиши негизнинг қалин — ингичкалигига боғлиқ

тангри (фалак) тангрининг (фалакнинг), Мағаствы (киши номи) Мағаствының, оғлан (йигит) оғланынг (йигитнинг). Тушум келишиги -ғ, -г, -н, -ны, -ни шакларига эга. Ғ, г шакли ундош билан тугаган сўз ва сўз формаларига қўшилганда олдида бир тор унли пайдо бўлиб, унинг сифати негизнинг қалин - ингичкалиги ва охири-

буғиндаги унлининг лабланган — лабланмаганлигига

Боғлиқ:

су (лашкар) суг (лашкарни)

таш (тош) ташығ (тошни)

Жўналиш кўшимчалари қуйидаги кўринишларга эга:

1. қару, ғару, кару, гару:

йоқ (юқори) йоқ (қ) ару (юқори томонга).

оғуз (угуз) оғузғару (утуз томонга)

аб (уй) абгару (уй томонга)

2. қа, ка:

тағ (тоғ) - тағка (тоққа)

қаған (хоқон) қағанка (хоқонга)

Бунинг ҳам олдидаги ундош биринчи ва иккинчи шахс эғалик кўшимчаларидан сўнг нг га айланади.

аб (уй) абим (уйим) абима (уйимга)

бодун (халқ) бодунум (халқим) бодунума (халқимга)

Қадимги туркий тилда ҳозирги чиқиш, ўрин пайт кўшимчалари асосан бир кўринишга эга, Чиқиш кўшимчаси дын, дин, тын, тин, дан, дан, тан, тан қадимги туркий тилнинг охири даврларига хос ёдномаларда учрайди, Урхун ёдномаларида ўрин— чиқиш кўшимчаси да, да, та, та шаклида ишлатилади.

ал (давлат) алта (давлатда)

қаған (хоқон) қағанта (хоқонда)

таш (тош) ташта (тошда)

Бу даврда восита кўшимчаси ҳам бор бўлиб, унинг кўрсаткичи н ундошидан иборат. Бу кўшимча ундош билан тугаган отларга қўшилганда олдида бир тор унли пайдо бўлади ва бу унлининг сифати негизнинг қалин — ингичкалиги ҳамда охири бутиндаги унлининг лабланган лабланмаганлигига боғлиқ:

йулдуз (юлдуз) йулдузун (юлдуз билан)

сунгуг (найза) сунгугун (найза билан)

Сифат. Сифат ясовчилар. Кадимги туркий тилда куйидаги сифат ясовчи қўшимчалар бор:

1. -лыг, -лиг, -луг, -луг қўшимчаси. Бу қўшимча отдан сифат ясайди ва эгалик ҳамда нисбат билдиради. Лабланмаган унйили калин негизга лыг-, ингичка негизга лиг варианты кушилади. Лабданган унйили калин негизга луг,. ингич — касига луг варианты орттилади: каган (хокон) караильш (хоконлиги), акин (экин) акинлийг (экинли), бодун- (халк) — бодунлур (халкқли).

2. Сиз,-сиз, -суз, -суз қўшимчаси. Бу қўшимча; отдан эгасизлик ва йуклик билдирувчи сифат ясайди. Негизга кушилиш тартибидан олдинги қўшимчаники кабидир. йагы(душман) йагысыз (душмансиз), билиг(илм)— билигсиз(илмсиз), йол (йул) — йолсуз (йулсиз),ог (она) — огсуз (онасиз) Н ли лажада бу қўшимчанинг унлиси кенг булиши мумкин. Масалан, игсиз (касалсиз),

3 —сак —сак қўшимчаси. Бу истак билдирувчи феъл ясовчи са, — са ҳамда феълдан сифат ва от ясовчи —к,—к қўшимчасининг бирлашувидан хосил булган калин негизга: —сак, ингичкасига — сак варианта кушилади: 30-

багыр (жигар) — багырсак (кунгилчан) ,как (кек) каксак (кекчи).

4. -сығ, -сиг қўшимчаси. Бу қўшимча отдан сифат ясайди ва ухшашлик маъносини билдиради. Негизга кутлилиш тартиби бундан олдинги қўшимчаники сингаридир: кулсимон (кулсимон), бег(бек) бегсиг (бексимон)..

5. -кы, -ки (-ғы, -ги) қўшимчаси. Бу қўшимча от, равиш ва олмошдан нисбий сифат ясайди. Жарангсиз ундош билан тугаган калин негизга кы, ингичкасига ки, жарангли ундош билан калин негизга ты, ингичкасига ги кунгилади: ай (ой) ащы (ойга оид), йай (ёз) йайкы (ёзги).

6. -з қўшимчаси. Бу қўшимча феълдан сифат ясайди: у (кила бил) уз (мохир).

7. -л қўшимчаси, Бу қўшимча йашыл (яшил), кызыл "(кизил), тукал (тугал) сингари сузлар таркибида учрайди. рақ формаеи. Бу давр ёдномаларида ҳозирги ўзбек адабий тилидаги - роқ калин (рақ) ва ингичка (рак) вариантларга эга ва у сифатнинг ортторма даражасини билдиради: йиг (яхши) йиграк (энг яхши), артуқ (ортик) артукрак(энг ортик).

Туркий тилларда грамматик шакллар эволюцион йўл билан ривожланишда давом этган. Туркий тилларда тарихан грамматик категорияларнинг ривожланиши лексик шаклларга нисбатан жуда секин юз беради.

Туркий тиллар ҳам генетик, ҳам типологик жихатдан бир-бирига яқиндир. Туркий тиллар тилларнинг морфологик таснифига кўра, агглютинатив тиллар гуруҳига киради.

Агглютинатив тилларда қар бир грамматик маъно, одатда, алоҳида аффикс билан ифодаланади. Агглютинатив тилларга туркий тиллар, угор-фин тиллари, иберий-кавказ тиллари,

дравид тиллари киради. Туркий агглютинатив тилларнинг ўзига хос морфологик хусусиятлари мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборатдир:

1. Сўз доимо ўзакдан бошланиб, у ўзгармасдир. Ўзакка қўшилган аффикс уни фонетик жиҳатдан ўзгартирмайди.
2. Сўз шакллари хосил қилиш аффикслар воситасида амалга оширилади.
3. Бир сўзнинг турли шакллари фақат бир ўзакдан ҳосил қилинади, бунда супплетив шакллар мутлақо иштирок этмайди.
4. Сўзда ўзак ва аффикс органик бирикиб кетмайди, улар орасидаги чегара аниқ ва равшан бўлади: ишлади сўзида иш-ўзак, -ла -фёъл ясовчи аффикс, -ди -замон ясовчи аффикс.
5. Ҳар бир грамматик маънони ифодалаш учун алоҳида аффикс сўз ўзагига қўшилади: сўзлашганлар, қишлоқдагилар каби.

Туркий тилларда сўз таркиби

Туркий тилларда сўз таркиби ўзак ва аффиксдан иборатдир. Туркий тилларда фонетик жиҳатдан ўзакнинг қуйидаги кўринишлари мавжуд:

1. Фақат бир унлидан иборат бўлган ўзак: у, о каби.
2. Бир унли ва бир ундошдан иборат бўлган ўзак: ол, от, бу шу, на, ма.
3. Бир унли ва икки ундошдан иборат бўлган ўзак: бош, қўл, дон, онт, ост, уст; она, ота, ўки.
4. Бир унли ва уч ундошдан иборат бўлган ўзак: тўрт, торт
5. Икки унли ва икки ундошдан иборат бўлган ўзак: бола; дала.
6. Икки унли ва уч ундошдан таркиб топган ўзак: томон, сомон.

Ўзак кўринишларидан учинчиси (СГС) кўп тарқалгандир. Қолганлари жуда кам даражада учрайди.

Туркий тиллардаги ўзакнинг структураси ва тараққиёти ҳақида турли хил фикрлар мавжуд. В.Л.Котвич юқорида кўрсатилган ўзак типлари туркий тилларда азалдан мавжуд деса, Н.А.Баскаков ўзак кўринишининг учинчи типи (СГС) туркий тиллар учун характерли ва қолган барча кўринишдаги ўзаклар шу типнинг тараққиёти натижасида пайдо бўлган дейди. Турколог А.Зайончковский ҳамма тип ўзаклар иккинчи тип (СГ) ўзакларнинг тараққиёти натижасида юзага келганлигини уқдиради.

Демак, туркий ўзак ҳақида уч хил фикр мавжуд бўлиб, улардан учинчисини ҳақиқатга яқин деб ҳисоблаймиз. Чунки ҳозир уч товушга эга бўлпш анчагина ўзаклар қадимги туркий обидалар ва "Девону луғотит турк"да ҳамда ўғуз гуруҳ, тилларида икки товуш (СГ) холида учрайди.

Масалан: са (сана), ба (боғла), йу (юв); ол (бол).

Туркий тиллар тараққиётининг ҳамма босқичларида янги сўз ўзакка аффикс қўшиш билан ҳосил қилинган.

Туркий тилларда аффиксларнинг турларидан бири ўзакдан кейин қўшилувчи постфикслар мавжуд. Аффикснинг префикс, инфикс каби турлари туркий тилларда йўқ. Фақат бошқа тиллардан ўзлашган сўзлардагина префикслар мавжуд.

Туркий тилларда келишик категорияси. Ҳозирги туркий тилларда келишиклар микдор жиҳатидан унча фарқ қилмайди. Ўзбек, қорақалпоқ, туркман, озарбайжон, татар, гагауз тилларида олтига, козоқ тилида еттига, хакас ва чуваш тилида саккизга, ёкут тилида тўққизга келишик мавжуд.

Бу тиллардаги ортиқча келишик шакллариининг аксарияти мазкур тиллар таракқиётининг кейинги даврида вужудга келгандир.

Туркий тилларда ҳозир ишлатиладиган ва ишлатилмайдиган куйидаги келишиклар ҳамда уларнинг шакллари бордир: Бош келишик, унинг кўрсаткичи йўқ.

Қаратқич келишиги. Туркий бобо тил даврида бу келишикнинг функцияси изофа конструкцияси орқали амалга оширилган. Қаратқич келишиги ва унинг шакли кейинги даврнинг махсулидир. Қаратқич кўрсаткичи -нин, -ин генетик жиҳатдан боғлиқ бўлган -ники, -инки, -ки аффиксларининг шаклланишига таъсир қилгаи. Менин шакли меники тарзида талаффуз этилиши бир И унлисининг орттирилишига сабаб бўлган, натижада меники шакли юзага келган, яъни бутун бир аффикс -ки аффикси урчиб чиққдн. Бу аффикснинг эски шакли -қаратқичнинг -нин шаклидан -нинки, -ин шаклида бўлганки, биз буни ҳозирги туркман тилида ва ўғуз лаҳжасининг Ҳазорасп-Янгиариқ шевасида кузатамиз: туркман тилида: менинки, сенинки, апаминки, какаминки; Ҳазорасп шевасида: апаминки, апамки каби.

Бу шаклнинг аслида қаратқич аффиксига бевосита алоқаси бўлганлигини тарихий ёдномалардан тўпланган фактлар ҳам тасдиқлаши мумкин. Масалан, "Бобирнома"да ул қалъа бобомнин дурур каби шакллар бобомникидир шакли билан бир хил фуқцияда келган.

Менинки шаклидан ажралиб чиққан (қаратқичдан урчиган) -ки аффикси аналогия қонунига мувофиқ ўз маъносини асосан сақлаган ҳолда, от категориясидаги бошқа сўзларга ҳам қўшилиб, бирор предметга қарашлилиқ, муносабат маъноларини ҳам ифода эта бошлаган. Бу аффикс тил таракқиётининг сўнгги давларида, ўрин келишиги аффикси -ди шакли билан ифодаланган. Бу келишик шакллари туркий тиллар таракқиётининг кейинги даврида кўмакчилардан ва бошқа тил элементларидан вужудга келган .

Масалан, қозоқ тилидаги номинатив келишик шакли -мен, -пен билан кўмакчисининг таракқиётидан келиб чиққан: билан > менен мен каби.

Туркий тилларда чиқиш-ўрин келишиги -га/-г), -да/-дэ шаклларигл эга бўлиб, у қадимги туркий тилда ҳам ҳозирги маъносида қўлланилган: табғач қағанта (хитой қоконидан), козда йаш (кўзда ёш). Бу шакллар ҳозирги ёкут, тоғалар тилида партитив маънони ифодалаш учун хизмат

қилади: ёқутча у:та бас (сувдан ол), малта юрт (ўтиндан кес); тофаларча суғда вал (сув келтир), нешта ван (ўтин бер).

Хулоса қилиб айтганда, туркий тиллар тараққиёти натижасида, асосан олти келишик шакллари тобора стабиллашиб бормокда.

Туркий тилларда грамматик сон категорияси. Грамматик сон категорияси одатда бирлик ва кўплик шаклларининг оппозициясидан ташкил топади. Туркий тилларда кўплик -лар ва унинг турли вариантлари ёрдамида ифодаланади. Лекин бу шакл чуваш тилида йўқ. Туркий тилларда -лар аффикси олмаган отлар умумлашган предмет номини билдиради. Масалан, китоб, дарахт сўзлари якка китоб, дарахтни ҳам, китоб, дарахтлар йиғиндисини ҳам ифода эта олади. Шунга асосланиб баъзи тадқиқотчилар -лар аффикси қўшилмаган шаклни ноаниқ сон шакли деб ҳисоблайдилар. Кўплик шакли -лар фақат от туркумидаги сўзларга эмас, балки барча мустақил сўз туркумларига ҳам қўшилиб келади. Кўпликнинг такрор воситасида ифода этилиши ҳам туркий тилларда кенг тарқалган: ўзбекча: даста-даста гул, нўғойча шай-пай (чой-пой).

Шуни айтиш керакки, қадимги туркий ёдномалар тилида -лар аффикси ниҳоятда кам ишлатилган. Жамлик кўпликни ифодаловчи -з, -к/, -к/, -л, -м, -н, -р, -с, -ч, -ш кўрсаткичлари қўлланилган.

-з кўрсаткичи кишилик олмошлари таркибида кўпликни ифодалайди, чунки қадимги туркий би//ми, си ўзагига қўшилгандир: биз, сиз. Бу олмошлар кейинчалик ҳурмат маъносини ифодалаб, иккинчи шахс бирликда қўлланила бошлагач, кўплик учун -лар шаклини қўшганлар. Баъзи тилшунослар -и/з кўрсаткичинини иккилик сон шакли деб ҳисоблайдилар. Масалан, турк тилида икиз (эгиз), гез (кўз), гегуз (кўкрак), тиз (тизза), омуз (елка), татар тилида мёгёз (шоҳ) каби.

-к/-к кўрсаткичи қадимги туркий боботил даврида кўплик маъносида мақсулдор қўлланилган. Ҳозирги туркий тилларда -к/-к кўрсаткичли баъзи сўзларгина сақланиб қолган: ёқут тилида талах, кумах, қўмиқ тилида талақ, қўмақ, шор тилида кумақ, бошқа туркий тилларда ток, кум. Дастлаб талақ сўзи толлар, кумақ сўзи кумлар маъносида ишлатилган.

-Л кўрсаткичи жамлов кўплик маъносини ифодаловчи жамловчи аффикс -ла, -лэн таркибида сақланган. Қиёсланг: ўзбек тилида икэвлэ. икэвлэн; олтой тилида екиле, учуле, уйғур тилида иккилэн, ҳакас тилида алталан (олтовлон).

-М кўрсаткичи жамлов, жамлов-айирув маъносини ифодалашга хизмат қилган ва ҳозирги туркий тилларда бу шакл тартиб сонларни ифодаловчи -ышчи, -имчи, -ламчи, -лэмчи аффикслари таркибида сақланган. Масалан, озарбайжон тилида биримжи, икимжи, учумжи, бешлэмчи каби. Бу сўзлар дастлаб иккилик ва жамлик маъносини ифодалагандир .

-Н кўрсаткичи жамлик маъносини ифодаловчи олмошлар таркибида келади: қадимги туркий тилда барыш (қамма), қўмиқ тилида барыш (қамма). Қадимги туркий тилларда кўплик формаси -а/н

кўлланилган: оглан (ўғиллар), ерэн (эрлар) каби.

Бундан ташқари, жамлик кўпликни ифодаловчи -лэн, -гун аффикслари таркибида келган. Ўзбек тилида икэгун, учэгун каби (64:153).

-Р кўрсаткичи жамлов кўпликни ифодалаб, туркий тилларнинг барчасида ишлатилувчи -лар ва чуваш тилидаги кўплик шакли -сар таркибида келади. Масалан, тува тилида адьшар - отларинг, хакас тилида кименер - келманглар, олтой тилида адагар - отанглар, йолинглар -йўлинглар, қирғиз тилида алинглар - олинглар, чуваш тилида харънзар -хурънсар - қайинлар.

-С кўрсаткичи туркий тилларда жуда кам кўлланилади, уни чуваш тилида кўпликни ифодаловчи -сэр/ -зар/ -сем таркибида кўрамиз: йўлдашсем - ўртоқдар, пурзъмър - ҳаммамиз.

-Ч кўрсаткичи ва -Ш кўрсаткичи ҳам жамлов кўпликни ифода этади. Хуллас, туркий тилларда кўпликни ифодаловчи -лар, -лэр, -сар, -сэм аффиксларининг характери ҳақида фикр билдирилган бўлса ҳам, жамлов-кўпликни ифодаловчи кўрсаткичлар ҳақида етарли даражада мулоҳаза юритилмаган.

Туркий тилларда эгалик категорияси. Эгалик категорияси қарашлилик маъносини ифода этади. Эгалик категориясининг шакллари уч шахсга ва бирлик ҳамда кўплик сонга тегишлидир.

Бирлик сонда

1-шахс: -м, -мм, -им

2-шахс: -н, -ьш, -ин, -ғ, -ьғғ, -иг

3-шахс: -ьг, -и, -см, -си

Кўплик сонда

1-шахс: -бьп, -биз, -ьгбьп, -мбиз

2-шахс: -ньп, -низ, -ьшиз, -иниз, -ғьғз, -иғиз

3-шахс: -м, -и, -см, -си

Эгалик категориясининг шакллари қаратқич келишиги шакли билан чамбарчас боғлиқ, эгалик шакли билан кўлланган сўз олдида жуда кўп ҳолларда қаратқич келишигидаги сўз келади. Улар белгили ёки белгисиз ҳолатда бўлиши мумкин. Масалан: (менинг) уйим, (сенинг) уйинг, (унинг) уйи; китобхонлар уйи. Шунинг учун баъзи тадқиқотчилар эгалик категориясини қаратқич келишиги билан боғлиқ ҳолда ўрганадилар. Уларнинг фикрича, дастлаб туркий тилларда префикс ва қаратқич келишигининг йўқлиги эгалик шакллари келтириб чиқарган.

Эгалик шакллари кишилиқ олмошлари асосида шаклланган. Масалан: мен-м, сен-нг, биз-миз, сиз-нгиз каби. Шунинг учун ҳам эгалик аффикслари бир вақтнинг ўзида шахс ва сон маъноларини ифодалайди. Масалан, уйим сўзидаги -им биринчи шахс бирлик сонни ифода этади.

Туркий тиллар тарихий грамматикаси ва унинг тараққиёти ҳақида турколог олимлар турлича фикрни билдирганлар. Бу ўз навбатида қўшма гапларнинг тарихий тараққиётига ҳам таалуклидир.

Айниқса қўшма гапларнинг тарихий тараққиёти, уларнинг қандай тузилганлиги туркологларнинг қарашларида турлича фикрлар ўз ифодасини топган.

Жумладан, А.Рифтининг фикрига кўра, икки хил йўл билан келиб чиққан:

1. Икки содда гапнинг бирикиши йўли билан бу йўл билан боғланган қўшма гап тузилади; бундай боғланган қўшма гаплардан эргаш гапли қўшма гаплар ҳам ажралиб чиқади;

2. Содда гап таркибидаги сифатдош, равишдош ёки шарт феъли бошқарган бирикмалар кенгайиб, алоҳида гап ташкил этиш йўли билан. А.Рифтининг фикрига кўра, флексив тиллар учун биринчи йўл асос бўлса, аффиксатив тиллар учун қўшма гап келиб чиқишининг иккинчи йўли қўшма гап келиб чиқишининг иккинчи йўли асосдир. Айрим олимлар М.Шералиев, Н.Т.Сауранбоев каби туркий тилларда қўшма гаплар содда гапларнинг бирикиши йўли билан шаклланган десалар, С.Жиенбоев, Э.А.Грунинг каби олимлар қўшма гап тараққиётининг иккинчи йўлини тан оладилар.

К.Сартбоев, Н.Гаджиева сингари тилшунослар А.Рифтининг фикрига шубҳа билан қарайдилар ва қўшма гап тараққиётида ҳар икки йўл ҳам бўлиши мумкин эканини кўрсатадилар.

Ҳозирги ўзбек тилида қўшма гаплар шаклланган бирдан ортиқ гапларнинг бирикувидан таркиб топган бўлади, бу содда гаплар мазмунан яхлит ҳолда бирикиб, умумий фикрни, мақсадни ифодалайди.

Боғловчисиз қўшма гаплар қўшма гапларнинг ибтидоий формасидир. Бунинг сабаби шуки, боғловчи иштирокисиз, фақат интонация ёрдами билан боғланиш қўшма гап тузишнинг энг оддий усулидир.

Ҳали тенг ва тобе боғловчилар бўлмаган ёки жуда кам бўлган даврларга оид ўрхун ёзувлари ва XI аср ёдномаларида мураккаб фикр содда гапларни ёнма-ён келтириш ҳамда маълум интонация ва бошқа воситалар орқали ифодаланган.

Боғловчисиз қўшма гапларнинг баъзилари ҳозирги боғланган қўшма гаплар учун, баъзилари ҳозирги эргаш гаплар учун асос бўлган, айримлари эса маълум ўзгаришлар билан ҳозир ҳам қўлланади.

Боғловчисиз қўшма гаплар ўз хусусиятларига, ўз тараққиёт йўлига эга бўлган махсус конструкциядир, бу конструкция тарихий тараққиёт процессида янада такомиллашган ва ҳозирги замон тилида, қўшма гапнинг бошқа турлари билан баробар қўлланади, ҳатто унинг баъзи турлари кейинги даврда вужудга келади.

Қадимги ёдномаларда боғловчисиз қўшма гапни ташкил этган қисмлар орасидаги семантик муносабатлар ҳам, кўп ўринларда, ҳозирги замон тилига яқин туради.

1. Боғловчисиз қўшма гапни ташкил этган қисмлар маълум бир пайтда ёки кетма-кет рўй берган воқеа, ҳодиса хусусиятларни ифодалайди: Қар, буз қамуғ эрушди; Тоғлар сувў ақўшди;

кокшин булеть оругиди; Қайғуқ болуб эгишур-Қор ва музлар ҳаммаси эриди, тоғларнинг суви окди, осмонда кўк булутлар пайдо бўлди, улар қайиқ бўлиб сузишади (МК).

Қўшма гап қисмлари орасидаги семантик муносабат кўпинча анча узоқ бўлади, ҳаракат ҳолатнинг кимга, нимага таалукли эканлиги ва гаплар орасидаги семантик муносабат контекстдангина англашилиб туради:

Адашлиқ узэ турмади; қалўн эрэн тиркэшур-Дистликка риоя қилмади, (ҳозир) кўп алкар тиркалиб турибди (МК).

Маълум пайт муносабатида бўлган қўшма гап қисмларини бир-бирига боғлаш учун айрим лексик элементлар ишлатилган.

Ўрхун ёдномаларида қўшма гап қисмларини бириктириш учун қуйидаги лексик элементлар қўлланади; анта кисрэ (анта-унда, кисрэ-кейин); Анча сақўнтўм. Анта кисрэ тэнри билиг бэртук, учун озум оқ қағон қусдум (Тонг). -Унда кейин шундай ўйладим: тангри (менга) билим бергани “Қиссам Рабғузий” ва “Тафсир” да анда, ул вақтда; эмди, андин кэйин, андин сонра лексик элементлари қўлланади: Эмди учмокқа кирдим (ҚР). Андин сонра тори кэнэшим Қудукқа салур болуб (ҚР).

Кейинчалик қўшма гап қисмлари орасидаги пайт муносабатини кўрсатувчи юқоридаги лексик воситалар кенгрок ишлатилган. Аммо ҳозирги тилда кам қўлланади.

Боғловчисиз қўшма гап қисмларидан англашилган мазмун бир -бирига қиёсланади. Қиёслаш орқали воқеа, ҳодиса, предметлар ўртасидаги фарқлар, улар орасидаги қарама-қаршилиқ, номувофиқлик очилади: Тоғ тоғқа қовушмас, киши кишига қовушур (МК). Орун бэрдин ошнумэн олдурмадим (ҚБ)-Аввало ўрин бердинг, мен ўтирмадим.

“Қутадғу билиг” дан келтирилган мисол ҳозирги ўзбек тилида аммо боғловчисиз билан қўлланган бўлар эди.

Қиёслаш муносабатини ифодоловчи қўшма гаплар кейинги асрларга оид ёдномаларда кенг қўлланади. Унинг ички мазмун муносабати янада дифференциаллашади, маълум мазмун муносабатини ифодоловчи лексик, грамматик воситалар янада конкретлашади: Сэндин айтмакмэндин эшитиб турмоқ (ҚР).

Пайт ва қиёслаш муносабатидан ташқари, семантик жиҳатдан бири иккинчисига тобе бўлган, бири иккинчи қисмини аниқлаган, тўлдирган қўшма гаплар ҳам қўлланган:

А) Қўшма гапнинг биринчи қисми сабабни, иккинчи қисми ундан келиб чиқадиган натижани ифодалайди: Ажун малў тэрдин, озук болди бай (ҚБ)-Дунё молини йиғдинг-ўзинг бой бўлдинг.

Сабаб-натижа муносабатининг ифодаланиши асосан гаплар орасидаги семантик муносабатдан келиб чиқиши билан бирга айрим грамматик ва лексик белгилар ҳам бўлган, гунончи, гап кесимларининг буйруқ феъли формасида бўлиши ёки натижа ифодоловчи қисмининг

эшди сўзи билан боғланиши ва бошқ: Қанда эринг, қаникў, эмди узўн узғурур-Мал ҳамим қаерда экан, энди уйқум қочди (МК).

XI асрдан сўнгги ёзма ёдгорликларда бу типдаги боғловчисиз қўшма гапларнинг қисмлари орасидаги семантик муносабатнинг ифодаланиши конкрет воситалар билан боғлана бошлайди. “ҚСсам Рабғузий” ва Навоий тилида, “Шажараи тарокима”да натижа ифодоловчи қисм анўқ учун, бу жиҳатдин, ул сабабдин, бу сабадин, ул жиҳатдин лексик элементлари билан боғланганини кўрамыз.

Б) Қўшма гап қисмлари ўртасида шарт муносабати ифодаланади: қўшма гапнинг биринчи қисми шартни, иккинчи қисми шу биринчи шартга боғлиқ бўлган мазмунни ифодалайди: Чэрикин бор, кунун бор (ҚР).

Навоий тилида шарт муносабатини ифодаланган қуйидаги конструкциялар қўлланган: Козум учэр, гар ҳумайун йузуни коргэй йат (нав). Неъмат дэгэн нимзики тамом йоқ болди, аларнинг конли сэндин сўндук болди (Нав).

В) “Девону луғатит турк” ва сўнгги давр адабиётларида айниқса, шеъриятда яхшатиш муносабатини ифодалаган қўшмагапларни кўплаб учратамыз: Турлук чэчэк йарилди, Баргўн йазўм кэрилди-Гулдор ипак ёзилгандай, (ерларни) турли чечаклар беади. (МК);

Г) боғловчисиз қўшма гапнинг иккинчи қисми биринчи қисм таркибидаги айрим бўлақларни изоҳлаши, аниқлаш ёки тўлдириши мумкин: Иброҳим уч иш қўлғўл: бири ул ким, бизни эл йоқ киши йоқ йэрдэ қайғўл, иккинчи, тэвэдин тушурмегил, учунчи, сэн анинг билэ қопмағўл (ҚР).

Бу типдаги конструкцияларнинг ўзига хослиги шундаки, уларда аниқловчи гапни ажратиш, жумланинг охирида беришга интилиш сезилади.

Ҳозирги тил учун норма ҳисобланган “Фалон отлиқ қариндоши бор эди” конструкцияси қуйидагича берилган: Анаси қариндошларў бор эди” бану Махсум атлиғ (ҚР).

Одатда, аниқловчи функциясида бўлган гап иккинчи ўринда бўлади. Баъзан аниқловчи гап биринчи ўринда келиши ҳам мумкин: Нуҳ ул сэксэн киши мусулман эрди, уларнў йўғиб кэмэгэ кэкурди (ҚР).

Қўшма гап қисмларидан бари иккинчисининг мазмунини тўлдиради. Тўлдириш функциясида бўлган қисм иккинчи ўринда бўлади. Тўлдириш функциясидаги гап асосан кўчирма гап шаклида бўлади: Сақўнтўм туруқ буқалў, сэмиз буқалў, сэмиз буқалў арқада билсэр-сэмиз буқа, туруқ буқа,- билмэз эрмис(Тон)-Ўйладим: орқадан (хон) ариқ буқа, семиз буқани билса ҳам, (қайси) семиз буқа, (қайси) ариқ буқа, билмайди. Айтқўл: Сараға, Ҳажарға куч қўлмасун (ҚР).

Бирор қисми тўлдириш функциясида бўлган қўшма гаплар сўнгги давр ёзма адабиётларида ҳам кенг қўлланади. Ҳозирги тилда, бир томондан бу хил конструкцияларнинг баъзи бирлари ки боғловчили конструкция билан алмашган (айтадиларки, дейдиларки), иккинчи томондан бу

типдаги конструкциялар билан баробар тўлдирувчи функцияли гапларнинг бошқа тури кенг ишлатила бошлади: бу турда тўлдирувчи функциясидаги гап бош гапнинг кесиминигина эмас, у орқали шу гап таркибидаги тўлдирувчи вазифасидаги олмошни ҳам изоҳлайди, (мен шуни билдим).

Боғланган қўшма гапни ташкил этишда тенг боғловчилар билан бирга айрим юкламаларнинг ҳам роли каттадир. Ҳозирги ўзбек адабий тилида тенг боғловчиларнинг барча турлари ва юкламалар кенг қўлланади. Аммо тил тараққиётининг илк давларида ёрдамчи сўзлар жуда кам бўлиб, борлари ҳам ўзига хос функцияга эга бўлган.

Қадимги ёдгорликларда тенг боғловчилар бўлмаган. Боғланган қўшма гапни ташкил этишда қуйидаги воситалар иштирок этган: йеме, йана, ва, тақи, ҳам. Зидловчи боғловчилар: йа,на.

Турк будун йеме булганч, оғузи йеме тарканч. (Тон.) – Турк халқи ҳам қўзғалган, ўғуз (халқи) ҳам тарқалган.

Йеме, йана ёрдамчилари қўшма гап ҳосил қилиш билан бирга юклама вазифасини ҳам бажарган. Йана ёрдамчиси Култигин ва Тўнюқуқларда кузатилмайди, у Девону луғотит турк ва Қутадғу билиг асарларида учрайди. Шунингдек, бу боғловчи Қисаси Рабғузидда ҳам фаол қўлланган.

Қадимги ёдгорликларда тақи, дағи ёрдамчилари қўшма гап ҳосил қилишда фаол қўлланган. Ушбу ёрдамчи 17 асрга қадар кенг истеъмолда бўлган. Ва ёрдамчиси эса илк навбатда Қутадғу билигда қайд этилган. Ўз ўрнида М.Кошғарий ҳам унга изоҳ бериб, унинг арабча унсур эканини таъкидлайди. Боғланган қўшма гапларни шакллантиришда турли даврларда ва, ҳам, азу, йа, амма, лэкин каби умумтуркий, форсча ва арабча унсурлар фаол қўлланган.

Эргаш гапли қўшма гаплар. Ўзбек тили эргаш гапларнинг шаклланиши ва шаклий ҳамда мазмуний тараққиёти 1) сифатдош, равишдош, шарт ва буйруқ феълларнинг тараққиётига, 2) нисбий олмошларнинг шаклланишига, 3) тобе боғловчиларнинг шаклланишига боғлиқ бўлган масалалар.

Тамашадин келурда Йусуфга йўлуқди (Рабғ.) – сифатдош формаси ўрин-пайт келишигида қўлланмоқда.

Ўкуз азақи бўлғинча, бузағу баши бўлса йик. (ДЛТ). – Бу ўринда шакллантирувчи восита равишдош формаси бўлмоқда.

Хар тараф бақса, Зулайҳа сурати эрди. (ҚР). – Бу гапда феълнинг шарт майли формаси эргаш гапли конструкцияни шакллантирмоқда.

Нисбий олмошли қўшма гап конструкциялар қадимги уйғур ва урхун ёдгорликларида кенг қўлланмаган. Фақат ким, қач, нанг каби воситаларни кўришимиз мумкин. Девону луғотит турк ва Қутадғу билиг асарларида нисбий олмошлар фаол қўлланган: *ким, на қай, қайу, қайда, ул, қачан,*

нэча, қанча, нэтаг, анунг тэг. Йўруқ бўлса кимунг будунқа сўзи//сучуг тутсу тил сўз йа қутку ўзи. Кимнинг сўзи халққа ёқимли бўлса, у сўзини ширин ўзини одобли тутсин. Нисбий олмошлар кейинги даврда янада фаол қўлланган. Масалан, Қисаси Рабғузийда ҳар ким, ҳар неча, ҳар нарсa, ҳар қачан каби турлари кенг истеъмолда бўлган. *Бир кунда нэча улғайди бу, Иброҳим алайҳиссалaм ҳар кунда шул қадар улғайди (ҚР).*

Кўчирма гап конструкцияси қадимдан бошлаб қўлланиб келади. Тонюқуқ ёдномасида бундай конструкциялар 30% ни ташкил қилади. Кўчирма гап муаллиф гапидан олдин келган: *Қағанлиқ будун эртим, қағаним қани?- теп эрмис.* Кўчирма гап муаллиф гапининг ўртасида келган: *Будун анча демис: Эллик будун эртим элим эрти қани, -теп эрмис.*

Эски ўзбек тили даврида ҳам кўчирма гапли конструкцияларнинг ўз ўрни бўлган. Мазкур типнинг шаклланишида *айтди, деди* каби сўзлар асосий вазифани бажарганлар. *“Нуқта лаб устида бэжадир”, -дэдим, айди кулиб:// “Саҳв қилмиш катиби қудрат магар таҳрирда” (Фурқ.)*

Хулоса

Генеологик тасниф тилларнинг бир манбадан келиб чиқишини, қайси тиллар бир-бири билан қардош эканлигини, шу билан бирга, сўзларни, қўшимчаларни ва бошқа грамматик хусусиятларни назарда тутиб тилларни айрим гуруҳларга ажратади. Генеологик таснифда гуруҳларга ажратилган тилларнинг келиб чиқиши, сўзларнинг пайдо бўлиши, улардаги товушлар ва аффикслар ўхшашлиги ҳисобга олинади. Грамматик тузилиши ва бошқа хусусиятлари билан бир-бирларига яқин бўлган тиллар гуруҳи, тил оиласи деб аталади.

Ҳозирги вақтда тарихи ўрганилиб, бир-бири билан қардош эканлиги аниқланган тил оилаларидан бири туркий тиллар оиласидир. Ҳозирда туркий тиллар оиласига йигирмадан ортик тиллар киради: қирғиз, қозок, турк (усмонли турк), туркман, ўзбек, уйғур, татар, чуваш, озарбайжон, ёкут, қорақалпоқ, тува, балқар... Бу тиллар келиб чиқишининг умумийлиги, фонетик, лексик-семантик, грамматик хусусиятларининг умумийлиги билан характерланади. Туркий тиллар оиласига мансуб тиллар учун асос бўлган тил қадимги туркий тилдир.

Бўлса-да, рус-европа олимлари томонидан илк таснифлар 19 асрдан бошланди. Бу соҳада В.В.Радлов, Ф.Е.Корш, В.А.Богородицкой, К.Менгес, Г.Рамстедт каби олимларнинг таснифлари бор. Мазкур таснифларда географик тамойил асос қилиб олинган. Бунда қардош тилларнинг ҳудудий яқинлиги ҳисобга олинади. В.В.Радлов таснифи: 1. Шарқий гуруҳ (олтой, шор, тува); 2. Ғарбий гуруҳ (татар, қозок, қирғиз); 3. Ўрта Осиё гуруҳи (уйғур, ўзбек); 4. Жанубий гуруҳ (турк, туркман, озарбайжон).

Баъзи олимлар туркий тилларни тасниф қилишда фонетик тамойилни асос қилиб олганлар. А.Н.Самойлович таснифи: 1. Р – гуруҳи (чуваш, булғор); 2. Д – гуруҳи (қадимги уйғур, тува, қарагас, салар, умуман шимолий-шарқий туркий тиллар); 3. Тау гуруҳи (олтой, кумик, қирғиз, қарачай-балқар, қараим, татар, қозок); 4. Тағлиқ гуруҳи (уйғур, ўзбек); 5. Тағли гуруҳи (Хоразм шевалари, туркман тили); 6. Ол гуруҳи (турк, озарбайжон, гагауз). С.Е.Малов таснифи ҳам фонетик тамойилга асосланган. 1. д-лашиш даври; 2. д-лашишдан й-лашишга ўтиш даври; 3. й-лашиш даври.

Таснифлар орасида энг мукаммали деб қараладиган тасниф Н.А.Баскаковнинг генеологик тамойилга асосланган таснифидир. У туркий тилларни аввало иккига бўлади: ғарбий туркий тиллар ва шарқий туркий тиллар. Ғарбий туркий тиллар тўрт гуруҳга бўлинади: булғор, ўғуз, қипчоқ, қарлуг. Шарқий туркий тиллар иккига ажратилади: уйғур-ўғуз, қирғиз-қипчоқ. Ғарбий туркий тилларнинг ўғуз гуруҳи яна уч қисмга ажралади: ўғуз-булғор, ўғуз-салжук, ўғуз-туркман. Қипчоқ гуруҳи ҳам уч қисм: қипчоқ-булғор, қипчоқ-половецк, қипчоқ-нўғай. Қадимги туркий тил даврида туркий халқлар тарқалиш ареали тахминан шундай бўлган: 1. Ўрхун турклари Мўғилистонда; 2. Уйғурлар Селенга дарёси ҳавзасида; 3. Қирғизлар Энасой дарёси ҳавзасида; 4.

Қуриқанлар Байкал кўли атрофида; 5. Ўғуз, қипчоқлар Қозоғистон ва Ўрта Осиёда; 6. Булғор, хазар ва аварлар Волга дарёси ва Қора денгиз атрофларида яшаганлар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т.7. - Тошкент: Ўзбекистон, 1999. -413б.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. -Тошкент: Маънавият, 2008. - 176 б.
- 3.Базарова Д. Х., Шарипова К. А. Развитие лексики тюркских языков Средней Азии и Казахстана. - Ташкент: Фан, 1990. -171 с.
4. Базарова Б. Лексика женской одежды у Агинских бурят // Этно-культурная лексика монгольских языков. -Улан-Удэ, 1994. - С. 139-144.
5. Баскаков Н.А. Алтайская семья языков и её изучение. -М.:Наука, 1981.- 135 с.
6. Бегматов Э.А. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. -Тошкент: Фан, 1985. - 200б.
7. Гумилев Л.Н. Қадимги турклар. - Тошкент: Фан, 2007. - 500 б.
8. Дадабаев Х., Насиров И., Хусанов Н. Проблемы лексики старо-узбекского языка. - Ташкент: Фан, 1990. - 214 с.
9. Дадабаев Х. Сословная терминология в старотюркских письменных памятниках XIУ-ХУ вв. // Адабий мерос. - Ташкент, 1989.-№2(48).-С. 17-27.
10. Дмитриев Н.К. Строй тюркских язмов. - М.: Наука, 1962. -541 с.
11. Дыбо А.В. Семантическая реконструкция в алтайской этимологии. Соматические термины (плечевой пояс). - М.: 1996. - 392 с.
12. Дыбо А.В. К культурной лексике праалтайского языка // Балто-славянские исследования 1988-1996. - Москва, 1997. - С. 164-177.
13. Исмоилов И., Мелиев К., Сапаров М. Ўрта Осиё ва Қозоғистон туркий тиллари лексикасидан тадқиқот. – Т.: Фан, 1990. - 257 б.
14. Исҳоқов Ф. "Бобурнома" учун қисқача изоҳли луғат. -Андижон: ОАЖ, 2008. - 236 б.
15. Кыргыз тилининг тушундурме сездугу. - Фрунзе: «Мектеп» басмаси, 1969. - 775 с.
16. Левитская Л.С. Историческая морфология чувашского языка. - М.: Наука, 1976. - 207 с.
17. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. -Тошкент: Университет, 2000. - 600 б.
18. Русча-ўзбекча луғат. - Тошкент: 1983-1984.1. - 807 б., II. - 797 б.
19. Усманова Ш. "Ўчоқ" сўзининг этимологияси ҳақида // Тилшуносликнинг долзарб масалалари / Илмий мақолалар тўплами. III. - Тошкент, 2006. - Б. 100-103.
20. Усманова Ш. "Қумғон" сўзининг этимологиясига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. - Тошкент, 2007. - № 6. - Б. 79-83.
21. Хасанов Е. Навоий асарлари учун қисқача луғат. -Тошкент: Фан, 1993. - 376 б.